Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 145 (6. 336) 1987 йил 29 июнь, душанба Баҳоси 3 тийин

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг

КПСС Марказий Комитети Пленумида 1987 йил 26 июнда сўзлаган якунловчи нутқи

Ўртоқлар!

Биз Марказий Комитетимиз Пленумининг ишини тугаллаяпмиз. Бу Пленумни бутун партия, бутун мамлакат орзиқиб кутганини биласизлар ва бу нутқларда ҳақли равишда таъкидланди: биринчидан қайта қуришнинг ҳозирги босқичи кўпгина муаммоларни ўртага қўйди. Марказий Комитетнинг ушбу Пленуми бу муаммолар хусусидаги фикрни айтиши, сиёсий ва ташкилотчилик иши учун хулосалар чиқариши керак эди, иккинчидан эса, Пленум олдида мамлакатимиз экономикасини бошқаришни тубдан ислоҳ қилишнинг асосий қоидаларини, принципларини ишлаб чиқиш вазифаси турар эди.

Ўйлайманки, бизда Пленум коммунистларнинг, барча совет кишиларининг умидларини оқлади, деб айтиш учун тўла асос бор. Бунинг жуда катта аҳамияти шу билан белгиланади. Пленум қайта қуришимизни КПСС XXVII съезди белгилаб қўйган йўлдан анча олға силжитади, унинг зарурлигини ва уни амалга оширишга ёндашувнинг янги усулларини тушунишни чуқурлаштиради.

Пленумда экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш программаси қабул этилди. Бу программа қайта қуришни жадаллаштиришнинг қудратли ва таъсирчан воситасини яратади.

Бу программа ўтган икки йиллик амалий тажриба бизга нималар берганини, илмий тафаккур бизга нималар берганини, социализм қурилиши ўн йилликларнинг сабоқлари нималар берганини ўзига сингдириб олган. Кейинги йилларда биз экономикага янгича ёндашувларни, синаш мақсадида ўтказган экспериментлар программа учун негиз бўлди. Хуллас, қабул этилган ҳужжатларда коллектив фикр, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида шу масала юзасидан биз умумлаштира олган ҳамма нарсалар ифодалаб берилди.

Пленум ўтган муҳит ҳақида алоҳида гапирмоқ керак. Бу муҳит апрель Пленумидан ва КПСС XXVII съездидан кейин партияда вужудга келаётган янги вазият янада ривожланаётганини ифодалайди, қайта қуришнинг боришига, унинг муваффақиятлари ва ютуқларига сергак баҳо берилганлиги билан, иш чуқур таҳлил этилганлиги, камчиликлар танқид қилинганлиги, етилган муаммолар эркин, ишчан муҳокама қилинганлиги билан характерланади. Мана шу фазилатларнинг ҳаммаси ушбу Пленум ишига хос бўлди ва биз ҳаммамиз, Марказий Комитет аъзолари жуда ҳақли равишда мамнун бўла оламиз.

Қайта қуриш жараёни ўзининг ҳамма ютуқларига қарамай, ҳозирча суст бораётганлиги докладда ва нутқларда таъкидланди. Биз вазиятни танқидий баҳолаб, шу тариқа ўз имкониятларимизни сафарбар этяпмиз, ижтимоий турмушимизнинг ҳамма соҳаларида эса бундай имкониятлар оз эмас.

Бу ерда янграган танқид ва ўз-ўзини танқид — ишларнинг ҳолатидан оқилона қаноатланмаслик ифодаси ва кучимизнинг кўрсаткичидир. Большевикча танқиднинг асосий белгиси — унинг аниқ равшанлиги, ишчанлиги ва амалийлигидир. Саноатимизда ҳам, экономиканинг қишлоқ хўжалиги каби мураккаб секторида ҳам ютуқларимиз борлигини тўла асос билан айта оламиз. Бироқ одамларнинг онгида, кейинги вақтларда мамлакатда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазиятни англашда айниқса катта ютуққа эришилди.

Ҳозирги мамлакатимиз — тез ўзгариб бораётган жамиятдир. Энди у бошқача кайфиятлар ва бошқача умидлар ҳукм сураётган жамиятдир. Жамият янгиланмоқда, фикр қулоч уриб ишлай бошлади, амалий ҳаракатлар эса тобора активлашиб, янада каттароқ яққол натижалар бермоқда.

Пленум қайта қуришнинг яхлит концепциясини ишлаб чиқишни ниҳоясига етказяпти, дейиш мумкин. Биз қайта қуриш ғоясини 1985 йил апрелида ўртага ташлаган эдик, XXVII съезд, Марказий Комитетнинг январь Пленуми ҳужжатларида ишлаб чиққан эдик. Аммо ишнинг назарий жиҳати нақадар муҳим бўлмасин, асосий нарса бунинг ўзи эмас. Бу галги Пленумнинг сиёсий аҳамияти шундан иборатки, у қайта қуриш ғояларини амалий изга кўчиради. Ҳал қилувчи ижтимоий соҳада — халқ турмушининг энг чуқур илдизларига дахлдор бўлган иқтисодий соҳада шундай қилади.

Яна бир марта айтмоқчиманки, Пленум қарорлари, у қабул этган ҳужжатлар бизнинг жадаллаштиришга, қайта қуришга қаратилган стратегик йўлимизни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан анча чуқурлаштиради. Бу ҳужжатлар экономикани қайта қуриш учун принципиал йўл-йўриқлар беради. Амалий тажриба ҳам ҳали кўпгина янгиликларни келтириб чиқаради, албатта. Ҳаёт қайта қуриш тўғрисидаги тасаввурларни чуқурлаштиради. Бизнинг олдимизда янги муаммолар, бир талай мураккаб ишлар турибди. Гарчи хатолар имкони борича камроқ бўладиган тарзда ишлашимиз ва ҳаракат қилишимиз керак бўлса-да, ҳар ҳолда хатолар қилмасликдан истисно эмасмиз.

Шундай бўлса-да, хато қилишдан қўрқиш — энг катта хато эканига ишончим комил.

Башарти, бирон-бир кимса ҳозирги босқичнинг мураккаб ишларидан чўчиб, кабинетларда қўрқоқлик қилиб ўтирса, ҳаёт эшик ва деразаларни тобора қаттиқроқ қоқиб келаётганига жавоб бермаса, мана шунинг ўзи энг катта хато бўлади.

Биз етилган муаммолардан бўйин товламасликни, масалаларни тўплаб ўтирмасликни қонда қилиб олдик, бусиз ҳам масалалар ҳаддан ташқари кўп тўпланиб қолган. Хато қилишдан қўрқиш айниқса ҳалокатлидир: бу нарса иродани фалаж қилиб қўяди, жамиятни ўзгартириш соҳасидаги кучғайратларга тўсқинлик қилади.

Ҳозир биз, башарти экономика ҳақида гапириладиган бўлса, ўзига хос ўтиш даврини бошдан кечиряпмиз. Биз ҳамма корхона ва бирлашмаларни тўла хўжалик ҳисобига ўтказишимиз, планлаштиришни, нарх белгилаш системасини тубдан ислоҳ қилишга тайёргарлик кўришимиз ва уларни амалга оширишимиз, материал-техника таъминоти, молия ва кредитни, бошқарувнинг ташкилий структураларини қайта қуришимиз керак.

Мана шуларнинг ҳаммаси пухта ўйлаб, жиддий ишлашни талаб қилади. Айни вақтда ҳеч ким бизни ўн иккинчи беш йиллик вазифаларини ҳал этишдан, ўзимиз беш йиллик планда ўртага қўйган мақсадларга эришишдан халос этмайди.

Мамлакатимиздаги мана шу мураккаб ўтиш даври чўзилиб кетмаслиги учун биз мана шу масъулиятни пайтда ҳам қатъият билан, ҳам ўйлаб, ҳам самарали ҳаракат қилишимиз учун ҳамма шароитни яратиш керак, албатта.

Бу ўринда ҳамма иш муҳим, аммо биз миллионмиллион кишиларнинг иқтисодий манфаатларига дахлдор бўлган экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қила бошлаётганлигимиз — энг муҳим иш, деса бўлади. Такрор айтаман: энг муҳими, энг асосийси мана шу.

Шу сабабли биз барча амалий ишларда бу манфаатларни эътиборга олишимиз керак. Бундан — биз турли кайфиятлар ва тайёргарликдаги манфаатларни ҳисобга олиш керак, деган маъно асло келиб чиқмайди. Йўқ, ўртоқлар, биз эътиборга олишга мажбур бўлган ҳаққоний манфаатлар ҳақида гапирялпман, шу сабабли хўжалик юритишнинг янги механизмига ўтиш соҳасидаги ҳамма иш шу манфаатларни рўёбга чиқариш учун кўпроқ имконият бериши керак. Айни шу манфаатларни эътиборга олиш иқтисодий системамизга, бутун хўжалик ишимизга янги жўшқинлик бахш этадиган пружина бўлиб қолиши лозим.

Умуман, ҳозирги босқичдаги бутун ишни зўр масъулият билан ўтказиш керак. Бу — партия бошчилик қилаётган, тажриба билан қуролланган, назарий жиҳатдан билимдон ва ташкилий жиҳатдан жипслашган жамиятнинг қўлидан келадиган иш. Бугун биз шуни алоҳида куч билан таъкидлашимиз керак — ижтимоий тараққиётнинг бу босқичида, умуман қайта қуришда партиянинг роли айниқса муҳим.

КПССнинг зиммасига барча бўғинларда, ҳамма поғоналарда ислоҳотни амалий равишда рўёбга чиқаришдан иборат ғоят масъулиятли вазифа юклатилмоқда. Шу ҳақда гапирганда, бошланғич партия ташкилотларининг ролини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки биз ўйлаб қўйган режаларнинг ҳаммаси асосан ва унинг бутун мазмуни меҳнат коллективида, ишлаб чиқариш коллективида рўёбга чиқарилади. Экономикани бошқаришнинг барча органлари фаолияти аввало экономиканинг асосий бўғини муваффақиятли, самарали ишлаши учун шарт-шароит яратишга қаратилган бўлиши керак.

Ҳозир бошланғич партия ташкилоти айнан, меҳнат коллективида ишлаётганлиги унинг ошиб бораётган ролини ҳозир белгилаб турибди. КПСС Марказий Комитетидан тортиб, барча партия комитетлари шуни назарда тутишлари ҳамда ўз ихтиёридаги жамики мавжуд воситалар билан янги шароитларда бошланғич ташкилотлар самарали ҳаракат қилишларига кўмаклашишлари керак. Бу гап партиявий ишнинг барча соҳаларига — сиёсий, ташкилотчилик, идеология ишига тааллуқлидир.

Мамлакат хўжалик кадрларининг катта корпуси олдида ҳам янги вазифалар турибди. Партия ислоҳотини амалга оширишда уларнинг ҳал қилувчи ҳисса қўшишларига умид қилади. Мамлакатнинг жуда катта кадрлар потенциали бор, модомики шундай экан, бу кадрларнинг экономикадаги ислоҳот муносабати билан ҳозирги ўзгартишларнинг янгилиги ва миқёсларини чуқурроқ англаб олишда, хўжалик юритишнинг янги принципларини асосида активишга киришишида, шу принципларни ҳамма жойда, хўжаликнинг барча бўғинларида, жорий этишида уларга ёрдам бериш керак. Шундай ҳаракат қилиш керакки, қайта қуришга, ислоҳотга тарафдор бўлган, ўзининг бутун кучи, тажрибасини унга сарфлашга, бу ишга жонини фидо қилишга интилаётган барча кишилар партия органлари томонидан актив қўллаб-қувватланиши ва эътиборга сазовор бўлиши лозим.

Булар эса одамларнинг асосий кўпчилигидир. Бугина эмас — башарти бизда кадрларнинг асосий бўғинида, бунда мен корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозларнинг раҳбарларини назарда тутаман, тартибсизликдек иллат бартараф қилинмас экан, ислоҳот жуда қийинчилик билан боради. Шу сабабли яна бир бор такрорлаб ўтмоқчиман: сиёсий жиҳатдан қайта қуриш тарафида бўлган ва зарур билимдонликка эга бўлган барча кадрлар қўллаб-қувватланиши керак. Ишда уларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам бериш лозим.

Ўртоқлар, Пленумда ўн учинчи беш йиллик экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришнинг ҳал қилувчи босқичи бўлади, деб тўғри айтилди. Айни ўша пайтгача планлаштиришни, нарх-наво белгилашни ва молия-кредит механизмини ислоҳ қилиш ниҳоясига етказилади, ишлаб чиқариш воситаларини улгуржи савдо қилишга ўтиш асосан амалга ошириб бўлинади. Шу тадбирлар натижасида бошқаришнинг мунтазам системаси жорий этилади.

Аммо бунинг учун ўн учинчи беш йилликнинг ўзи ҳам ҳозирги даврни, янги тасаввурларни ва экономикада рўй бераётган жараёнларни чуқурроқ англашни эътиборга олиб тузилиши керак. Шу муносабат билан Марказий Комитетнинг Пленумларидан бирида ўн учинчи беш йилликнинг сиёсий концепциясини, унинг стратегик моҳиятини муҳокама қилиш зарурати бор.

Биз партиянинг навбатдаги XIX конференциясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилдик. Бу конференция партия ва мамлакат турмушидаги жуда катта сиёсий воқеа бўлади. Биз коммунистлар учун у аслида турмушимизнинг асосий масаласи — қайта қуриш соҳасидаги сиёсий имтиҳонга айланади.

Экономика соҳасидаги, бошқа жабҳалардаги бутун амалий ишимиз шу тарзда олиб борилиши керакки, биз бу имтиҳондан муносиб ўтайлик ва конференцияга яхши амалий тажриба, реал натижалар билан боришлик, келажак учун сабоқлар чиқариб олайлик.

Ўртоқлар! Бизнинг иқтисодий ишимиз, халқ хўжалигидаги қайта қуриш миллионмиллион меҳнаткашлар оммасини ўзига жалб этган тақдирдагина муваффақиятли бўлиб чиқиши мумкин. Шу сабабли мамлакатимизда бошқарувни тубдан қайта қуриш йўли аслида ишлаб чиқариш соҳасидагина эмас, шу билан бирга бутун ижтимоий турмушни ҳам янада демократиялаш йўли билан бирлашиб кетади. Экономиканинг тараққиётини социалистик демократизмнинг ривожланишидан ажратиб бўлмайди.

Тез орада сизлар ўз жойларингизга, республикалар, ўлкалар, областларга, шаҳар ва районларга, корхоналарга жўнаб кетасизлар, энди Марказий Комитет аъзолари, Пленум барча қатнашчилари олдида қабул этилган қарорлардан келиб чиқадиган ғоят муҳим вазифалар амалий тарзда кўндаланг бўлади.

Пленумнинг йўл-йўриқ лари, ғоялари аввало коммунистларнинг, энг кенг халқ қатламларининг онгига етказилиши керак. Пленум белгилаб берган узоқ муддатли вазифаларни биз кундалик вазифаларни ҳал этиш билан, аввало Марказий Комитетнинг шу Пленумида Сиёсий бюронинг докладида ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этиш билан моҳирона боғлаб олиб борилиши жуда муҳимдир.

Мана шу — ҳозирги энг муҳим иш, деб ўйлайман. Қайта қуриш авж олиб бораётганини, чуқурлашаётганини ва турмушнинг барча соҳаларида, аввало меҳнаткашларнинг кундалик, энг зарур эҳтиёжларини қондиришда реал самаралар бера бошлаганини одамлар аниқ-равшан ҳис этишлари керак.

Ўртоқлар, Марказий Комитет Пленуми қабул этган қарорларни бажариш соҳасида самарали ишлашларингизни тилашга ижозат бергайсизлар.

Замондошимиз



МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Унинг сичқон инғоҳлари бир зум бўлса-да, кичик приборлар ҳаракатини тарк этмайди. Ёниб-ўчаётган митти чироқларни диққат билан кузатиб турадн. Чунки қадоқлаш машинасининг иш принципи моҳир ишчидан шуни тақозо этади. Аҳамиятсиздек бўлиб туюлган оддий нарсанинг ўзгаёқ бепарволик билан қараш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунга йўл қўймасликнинг бирдан-бир имкони яхши, қунт билан ишлаш.

Ҳозир ҳамма жойда шахсий масъулият ҳиссини ошириш талаб этиляпти. Бундан кўзланаётган мақсаднинг реал натижалари одамлар меҳнати билан чамбарчас боғланиб кетган. Ана шу туйғуни қалбдан ҳис этишнинг ўзиёқ Татьяна Пушкаревага алоҳида завқ-шавқ бағишлайдн. У химия-фармацевтика заводининг автоматлаштирилган линиясидаги механизмларни моҳирлик билан бошқариб, юқори натижаларга эришмоқда. Смена нормасини мунтазам ортиғи билан бажаряпти. Натижада бу меҳнат илғори Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига авж олдирилган социалистик мусобақа пешқадамлари сафида тез-тез фахр билан тилга олинмоқда.

Халқимизнинг «Дарахт бир жойда кўкаради» деган нақли бор. Татьяна Андреевна ҳам ана шу ҳикматга риоя этиб хато қилмади. Иш фаолиятининг бутун йўналишини коллектив эришаётган юксак муваффақиятларни мустаҳкамлашга сафарбар этди. Ўнлаб ёшларнинг ўзидек меҳнатсевар, ҳалол ишчилар сафидан жой олишига ғамхўрлик кўрсатади. Келаси йилги унинг заводда ишлай бошлаганига ҳам йигирма йил тўлади. Аммо тарихан шу қисқа фурсат ичида корхонада кутилмаган ўзгаришлар рўй берди. Биргина у меҳнат қилаётган цехдаги иш жараёнларн такомиллаштирилиб, ортиқча қўл кучи сарфига эҳтиёж камайди. Автоматлаштирилган янги линия ишга туширилди. Коммунистик меҳнат зарбдори Татьяна Андреевна замонавий қадоқлаш машинасини бошқаришда қолдирилди. Ишга ижодий муносабатда бўлиш туфайлигина катта мақсадлар сари дадил интилиш мумкин. Ҳозир ўз касбининг устаси Т. Пушкарева бор имкониятларни ана шу оддий қадиқатни юзага чиқаришга сафарбар этмоқда.

СУРАТДА: коммунистик меҳнат зарбдори Татьяна Андреевна Пушкарева.

Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).

«МОСКВА ТУФАЙЛИ ДЎСТЛАШДИК»

Куни кеча Москвада ўз ишини тамомлаган хотин-қизлар Жаҳон конгрессининг қатнашчиларидан катта бир группаси Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. Бундан 24 йил муқаддам Жаҳон Демократик хотин-қизлар федерациясининг ташаббуси билан Ватанимиз пойтахти — Москвада биринчи марта бу анжуман бўлиб ўтган эди. Мана орадан қарийб чорак аср ўтиши билан унинг қатнашчилари яна Москвада тўпландилар. Бу хотин-қизлар — турли миллат ва касбли, уй бекалари ва соҳибкор оқарган нуроний оналар ва бувилар, бугунги кунда тинчликнинг қадрига тўла етадиган ва унинг тантана қилиши учун курашаётган навқирон ёшлар бўлган фаолларидир. Москва анжуманининг иш кунлари ниҳоясига етди. Юзлаб хотин-қизлар ташкилотларининг вакиллари бўлган бу ҳурматли аёллар кўп миллатли мамлакатимиз хотин-қизларининг ҳаёти билан танишиш мақсадида турли ўлкаларга йўл олдилар.

Конгресс қатнашчилари билан учрашишга муяссар бўлиб, уларга бир неча саволлар билан мурожаат этдик.

Лэйн ЛЕВЕРНЕ, АҚШ. — Мен бундай обрўли анжуман — хотин-қизларнинг Жаҳон конгрессида қатнашдим. Бу анжуман ҳақида яхши фикрларни айтиб бериш ниятидаман. Тинчликни ҳимоя қилиш учун ғайрат-шижоати билан курашаётган Ер куррасидаги кўпгина хотин-қизлар ташкилотларининг вакиллари бу йиғинда учрашганликлари айни муддао бўлди. Мен Америка Қўшма Штатларининг Миннесота штатидаги Миннеаполис шаҳридан келганман. Шаҳардаги университет хотин-қизлар ҳаракати қатнашчисиман.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачевнинг нутқидан миннатдорман. У тинчлик учун курашда хотин-қизларнинг тутган ўрни ҳақида мазмунли фикрларни айтди. Сизнинг мамлакатингизда амалга оширилаётган катта ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда, агарда лозим бўлса, мен ҳам ўзимнинг ҳиссамни қўшишга тайёрман. Бизнинг мамлакатларимиз ўртасида муҳокама қилиниши лозим бўлган масалалар бор.

Ҳозирги пайтда сизнинг мамлакатингизда олиб борилаётган ўзгаришлар ўзўзидан осон иш эмас. Шунинг учун ҳам барча совет кишилари қатори ҳукумат ҳам кўпроқ ишлашига тўғри келади.

Тинчлик. Бу сўз Ер куррасининг ҳар бир кишиси учун ғоятда азиз. Ҳаёт бир одамсиз ҳам ўз йўлида давом этаолади, бироқ Ер кураси ҳаётини инсоният тафаккурисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мен тўрт фарзандниинг онасиман. Қизларимдан бири учувчи бўлиб, у космик тадқиқотлар масалалари билан шуғулланмоқда.

Ҳозирда ўзим ишламайман. касбим архитектор-қурувчи. Севган ишимни бир чеккага суриб қўймаман. Ҳаётдан ортда қолмаслик учун кўп мутоала қиламан, шунингдек ижтимоий ва халқ маорифи масалаларини ўрганаман.

Хотин-қизлар тинчлик йўлида кўп ишларни амалга оширишга қодирдирлар. Биз учрашувимизда тинчликка тааллуқли масалалар тўғрисида гаплашдик. Тинчлик — бу очликсиз ва ишсизликсиз яхшигина яшаш ва албатта ядро қуролларн ва ҳар қандай бошқа урушларга қарши курашиб яшаш демакдир. Анжуманда ишлаган бир неча тематик секцияларнинг фаолияти ҳам ана шунга қаратилди. Ҳар бир секцияда тинчлик масалаларини ҳамкорлик куч-ғайрати билан ҳал қилиш вазифалари кўриб чиқилди. Ер курраси бизнинг оламшумул хонадонимиз. Биз хотин-қизлар эса болаларимиз ва яқин биродарларимизнинг қалбларини иситиш учун бу заминнинг барҳаёт ҳаётий оловини эъзозлашимиз ва сақлаб қолишимиз керак.

Турлича сиёсий қарашдаги юзлаб миллий ташкилотларнинг вакилларини тинчликка бўлган даъват Москвага етаклаб келди. Биз бу анжуманда шунчаки қатнашибгина қолмай, балки унинг ишида янада фаоллик билан қатнашдик, таклифларимизни киритдик. Ахир биз хотин-қизлар бутун куч-ғайратимизни тинчлик ишига сафарбар қилмоғимиз керак-ку! Биз тенг ҳуқуқлилик ва мустақиллик, хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий аҳволини яхшилаш учун кураш йўлларини белгилаб олдик.

Москва туфайли дўстлашганимиздан ғоятда мамнунман. Сизнинг шаҳрингиз Тошкент АҚШдаги Сиэтл билан биродарлик алоқаларини ўрнатганлигини биламан. Бу жуда ҳам яхши иш. Мамлакатлар, шаҳарлар ва халқларнинг дўстлашуви тинчликни мустаҳкамлашда муносиб хизмат қилади.

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЁРҚИН УФҚЛАРИ

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Пленуми материалларини қизғин маъқулламоқдалар

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛЛАРИДА

Цехимиз коллективи истеъмолчиларга кўплаб миқдорда зарур буюмларни етказиб беришдек шарафли вазифани сидқидилдан адо этаётир. Иқтисодий-техник кўрсаткичларимизнинг ой сайин яхшиланиб бораётганлигининг ўзиёқ буни исботлаб турибди. Бироқ, ҳали ўз ишимизни тубдан тўла қура олдик, деб дадил айта олмаймиз.

КПСС Марказий Комитетининг Москвада ўз ишини тугатган навбатдаги Пленумида халқ истеъмол моллари ва хизмат соҳасини янада ривожлантириш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди. Айниқса, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Партиянинг экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш соҳасидаги вазифалари тўғрисида» Пленумда қилган докладида бу вазифалар тўлақонлича кўрсатиб ўтилди. Коллективимиз аъзолари Пленум ҳужжатларини катта қизиқиш билан ўрганиб чиқдилар. Ҳар бир ишчи ва хизматчи ўз олдида турган янги вазифаларни белгилаб олди. Қайта қуриш умумхалқ ишидир. Уни юзага чиқариш билан эртанги порлоқ келажагимизнинг пойдеворини мустаҳкамлашимиз шубҳасиз. Унга эса фидокорона меҳнат қилиш туфайлигина эришиш мумкин.

М. ФАТТОҲОВ,
чарм-галантерея ва спорт буюмларн ишлаб чиқариш бирлашмасн бичиш цехн бошлиғи.

УМУМХАЛҚ ВАЗИФАСИ

КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми материаллари билан чуқур таништиб чиқар эканмиз, касбимиз қурувчи бўлгани учун эътиборимиз кўпроқ уй-жой қурилиши масаласига қаратилди.

Чиндан ҳам, ўртоқ М. С. Горбачев докладида таъкидланганидек, уй-жой қурилиши — умумхалқ вазифасидир. Қўшимча капитал маблағлар ҳисобига ўн иккинчи беш йилликда уй-жой қурилиши ҳажмини ўн биринчи беш йилликдагига нисбатан 60 миллион квадрат-метрга кўпайтириш мўлжалланган. Беш йилликда 15 миллиондан кўпроқ оила квартира билан таъминланади.

Съезд илгари сурган 2000-йилга қадар ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки хусусий уй билан таъминлаш вазифасини бажаришга ишчанлик билан киришилганлиги қувончлидир.

Хўш, бу борада бизнинг бригадада қандай тадбирлар амалга оширилмоқда? Шуни қувонч билан айтишим мумкинки, мен бошчилик қилаётган бригада коллективи мана бир неча йилдирки, Злобин методи асосида меҳнат қилиб, самарали ютуқларни қўлга киритяпти. Бригадамиз аҳли турдош касбларни ўзлаштириб олган.

Шу кунларда ўттиз кишидан иборат коллективимиз 48 оилага мўлжалланган кўп қаватли турар жой биносини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Графикдан икки ҳафта ўзиб ишлаётган бунёдкорлар кунлик план топшириқларини 115—120 процентга етказиб адо этишмоқда. Бригаданинг Л. Радченко, А. Федоров, И. Исмоилов сингари пешқадам қурувчиларн эса аллақачон ярим йиллик план топшириқларини бажариб қўйишди. Коллективимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги кунигача ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили план топшириқларини бажаришга аҳд қилган.

Ф. ЁҚУБОВ,
«Главташкентстрой» 153-трестн 3-қурилиш бошқармасининг комплекс коммунистик меҳнат бригадасн бошлиғи.

Тошкент журналистлар ташкилотида

29 ИЮНДАН 5 ИЮЛГАЧА

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. М. Мажидов таҳрири остида.

Шу ҳафтанинг биринчи ярмида Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво иссиқ келади. Ҳарорат кечаси 18—23, кундузи 34—39 даража бўлади.

Ҳафтанинг иккинчи ярмида иссиқ бироз пасаяди. Шу кунларда ҳарорат кечаси 15—20, кундузи 31—36 даража атрофида бўлади. Ҳафтанинг ўртача ҳарорати одатдаги нормадан бироз юқори бўлиши кутилади.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти медик об-ҳаво маълумотлари ва метеопрофилактика маркази мутахассисларининг фикрига кўра, ҳафтанинг аксарият кунлари ҳаво ҳароратининг аста-секин кўтарилиши, бунинг натижасида ҳавода кислород таркибининг камайиб атмосфера босимининг пасайиши сурункали кислород етишмайдиган беморларга, жумладан артериал гипертония, юрак ишемик хасталиги, ўпка-нафас олиш системаси, юрак-қон томир хасталиги бўлган беморларнинг кайфиятига салбий таъсир этиши мумкин.

Профилактика мақсадида ана шу тоифадаги беморларга нафас олиш машқларини бажариш, бироз совуқ сувда чўмилиш, шунингдек юрак-қон томир фаолиятини мўътадиллаштирувчи дори-дармонларни қабул қилиш тавсия этилади. Ҳафтанинг сўнгги кунларидаги об-ҳаво барча тоифадаги беморларга ижобий таъсир этади.



«Агропромремонт» идмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги тажриба ремонт механика заводида тайёрлаб чиқарилаётган 40 тонна босим кучли гидравлик пресслар халқ хўжалигида кўплаб юмушларни бажаришда қўл келмоқда. Бу механизмни ҳатто чет эл мамлакатлари ҳам сотиб олмоқда.

СУРАТДА: цехнинг илғор слесарлари (чапдан ўнгга) коммунистик меҳнат зарбдорлари Павел Голубер ва Расим Хурматуллин маҳсулотни кўздан кечиришмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Тарих солномасидан

ҚАРДОШЛИК МАДАДИ

Агар Тошкент тарихига назар ташласак, СССРнинг пахта мустақиллиги учун кураш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даврида Ўзбекистон, шу жумладан Тошкент партия, совет ва жамоат ташкилотларига мамлакатимизнинг марказий районлари меҳнаткашлари, айниқса Москва, Ленинград ва Иваново-Вознесенск ишчилари катта ёрдам берганлигини кўрамиз. Улар республиканинг айрим округ ва районларини оталиққа олдилар.

Масалан, Москва ишчилари Тошкент округини оталиққа олишди. Мамлакатимизнинг марказий районларидан тажрибали ташкилотчи кадрлар етиб келишди. Ишчи бригадалари қишлоқ хўжалигини реконструкция қилишда амалий ёрдам кўрсатдилар.

Чунончи фақат 1930 йилнинг январь ойидагина Москва, Ленинград ва Иваново—Вознесенскдан 26 ремонт бригадаси ва 21 та темирчилик устахонаси етиб келди. Уларда 460 га яқин ишчилар фаол иш олиб боришди.

Бундан ташқари Ўзбекистонга жуда катта ташкилотчилик ва сиёсий иш тажрибасига эга бўлган 400 дан зиёд киши юборилди. Айни вақтда Тошкент саноат корхоналаридан, масалан «Қизил Шарқ» устахонаси, Ильич номидаги завод, «Қизил тонг» фабрикаси ва бошқа корхоналарда ремонт бригадаси ташкил этилди. Улар ўз навбатида қишлоқларга ёрдамга юборилди.

Фақат Тошкент округининг ўзидагина 1930 йил баҳорида 102 вакил иш олиб борди.

Рус ва ўзбек ишчиларининг ҳамкорликда иш олиб бориши республика қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуришга самарали таъсир кўрсатди, халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада жипслаштиришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашга ёрдам берди. Мамлакатимиз марказидан республикамизга ва Тошкентга кўрсатилган катта оталиқ ёрдами партиямиз қарорларини муваффақиятли амалга оширишнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Тошкент ишчилари ленинча ғояларни ҳаётга активлик тадбиқ эта бориб, ишчи ва деҳқон иттифоқини мустаҳкамлашга ўз салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Ўз навбатида Тошкентда турли миллат вакилларидан ташкил топган ишчилар бригадалари колхозлар фаолиятини яхшилашга ёрдам бердилар. Масалан, 1980 йилнинг баҳорида «Қизил шарқ» устахонасида тузилган бригада Янгийўл районидаги 28 та қишлоққа қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишга катта ёрдам берди, махсус ремонт вагонини жиҳозлади. Биргина Қовунчи қишлоғининг ўзида бу бригада 249 та плуг, 43 та сеялка, 32 та культиватор ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси ремонтини муддатидан илгари тамомлади. Қибрай қишлоғида, Пискент районида ва бошқа жойларда ҳам Тошкентдан борган ремонт бригадалари кўпгина ишларни амалга оширдилар.

Кейинги йилларда ҳам ана шундай дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб борди. «Ташсельмаш» ва Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиларининг сафи янада кенгайди.

Тошкентдан қишлоқларга ўз навбатида тажрибали партия ва совет ходимлари мунтазам суръатда юбориб турилди. 1931 йилнинг 27 февраль куни Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг секретарияти Тошкентдан қишлоқ районларида ишлаш учун 100 кишини сафарбар этиш тўғрисида қарор қабул қилди. 1932 йилнинг баҳорида фақатгина «Ташсельмаш» ва «Таштрам»дан Пискент районига 69 киши — турли миллат вакиллари ишга юборилди.

Бу заводларнинг кўпмиллатли коллективлари фақат мазкур райондагина эмас, балки республиканинг бошқа район ва округларига ҳам катта амалий ёрдам кўрсатдилар. Масалан, Самарқанд область Ғиждувон районидан «Ташсельмаш» ва «Ильич» номидаги заводга келган минтақадорчилик хатларида Тошкент пролетариатига амалий ёрдам учун ташаккур изҳор этилганди.

1939 йилдан пойтахтда янги иншоотлар қурилиши бошланди. Масалан, индустриал институти, опера ва балет театри биноси, 1940 йилда марказий телеграф биноси қурила бошланди. Шаҳарни реконструкциялашнинг бош планига мувофиқ кўча ва майдонлар тармоқлари тартибга келтирила бошланди. Шаҳарнинг йирик магистрали — Навоий кўчаси бунёд этилди. Шота Руставели, Бешёғоч, Полиграфия кўчалари очилди. Карл Маркс кўчаси ҳам ўша пайтда бунёд этилди.

1939 йил октябрь ойида шаҳар комсомол комитетининг даъвати билан турли миллат вакилларининг фаолияти янги қурилишларга қўл урдилар. Олмазор ҳалқаси қурилишида фақат шаҳардаги олий ўқув юртлари ва техникумларининг кўпмиллатли студентларигина эмас, балки шаҳар атрофидаги қишлоқ хўжалиги артелларининг ёшлари ҳам фаол иштирок этишди. Тошкент партия ташкилоти қурувчилар ишига оқилона раҳбарлик қилди. Зарур материаллар билан таъминлаш, қолоқ участкаларни илғорлар сафига етказиб олиш тадбирлари кўрилди. Бешёғочда катта сунъий кўл — Комсомол кўли барпо этилди. У шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Унн бунёд этишда шаҳардаги турли миллат вакиллари актив иштирок этишди.

Ўзбекистон пойтахтининг йирик саноат, маданият ва фан марказига айланиши, кадрлар ўчоғи бўлиб қолиши аҳолининг тезўсишига ёрдам берди. 1939 йилда Тошкентда 584,9 минг киши истиқомат қиларди. (Бунга шаҳар атрофидаги колхозлар аҳолиси ҳам қўшилган эди). 1920 йилга таққослаганда бу аҳоли икки баравардан зиёдроқ кўпайганлигини кўрсатар эди. Ўзбекистон пойтахти аҳолисининг сони жиҳатидан мамлакатда саккизинчи ўринни эгаллаган эди.

Тошкент аҳолисининг социал составида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Бу ерда ишчилар синфи ва халқ интеллигенцияси шаклланди. Шаҳар саноатининг ва шаҳар хўжалигининг тез ривожланишида, шаҳар архитектура қиёфасининг таниб бўлмас даражада ўзгаришида, унинг темирйўл ва ҳаво йўллари, сув таъминоти, янги турар жой массивларини бунёд этишда мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари билан қардошлик алоқалари муҳим аҳамият касб этди.

Тошкент бутун Ўзбекистоннинг социалистик маданиятини ривожлантиришда етакчи ўрин тутди. У фақат республика пойтахти сифатидагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёнинг саноат ва маданият ўчоғи, йирик темир йўл узели сифатида ҳам катта роль ўйнайди. Коммунистик партия ва совет давлатининг беқиёс ғамхўрлиги туфайли Тошкент Ўрта Осиёдаги энг гуллаб-яшнаган шаҳарга айланди. У фақат республикагина эмас, балки Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларига малакали саноат кадрлари етказиб беришда ҳал қилувчи роль ўйнади. У бутун республикамизда оталиқ ҳаракатининг маркази бўлиб қолди. Ленинча индустриаллаштириш планининг Ўзбекистонда ва унинг пойтахтида муваффақиятли амалга оширилиши пойтахт ишчилар синфининг камол топишига ёрдам берди. Партиямизнинг доно ленинча сиёсати ўтмишда қолоқ бўлган халқларнинг тенгсизлигига абадий барҳам берди, уларни энг илғор халқлар даражасига олиб чиқди. Бунда мамлакат марказий районларининг ҳар томонлама ёрдами самарасини кўрамиз.

Ҳ. ИКРОМОВ.

Янгиликлар, воқеалар, хушхабарлар

БЎЗСУВ ТОЗАРОҚ БЎЛИБ ҚОЛДИ

Тошкент «Малика» трикотаж бирлашмасида сув — канализация иншоотлари блоки ишга туширилди. Эндиликда корхонанинг янги бўяш-безак бериш цехи лойиҳадаги қувватга чиқа олиши мумкин.

Ҳали яқиндагина бу ерда бўяш жараёнида тоза ичимлик сув ишлатиларди. Эндиликда уни бу ерга Бўзсув канали соҳилида қурилган, бир кунда 3 минг куб метр сув торта оладиган иншоот чиқариб бермоқда. Сув тозалаш, контакт тиндириш системаси фильтрлар орқали ўтиб бўяш цехига келади.

Блок ишга туширилиши билан бошқа бир проблема — булғанган сув оқиндиси проблемаси ҳам ҳал этилди. Ҳозирча заҳарли чиқитлар тўппа-тўғри каналга тушириб юборилар эди. Эндиликда у тозалаб ўтказилади. Чунончи тозаланган сувнинг бир қисмидан такрор фойдаланилади.

Бирлашмада сувни химиявий тозалаш блоки билан бирга атроф муҳитни муҳофаза этувчи лаборатория ишлай бошлади. Янги хизматнинг асосий вазифаси — машина-ускуналарнинг ишини ва саноат оқинди сувининг ҳолатини назорат этишдан иборатдир.

(ЎзТАГ мухбири).

уйни ишлаб чиқариш мўлжалланади.

БЎЗСУВ ТОЗАРОҚ БЎЛИБ ҚОЛДИ

Тошкентдаги 1-йирик панелли уйсозлик заводи маҳсулотнинг янги тури — боғ уйлари ишлаб чиқаришга киришди. Бундай уйлар аҳолига сотиш учун мўлжалланган.

Корхона конструкторлари енгил керамзит — бетон плиталардан тайёрланадиган ва кенг айвонли бундай уйларнинг ўзига хос лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Харидорнинг талабига кўра, 26 квадрат метр саҳнли хонани махсус тўсиқ билан тўсиш мумкин.

Корхонада қабул қилинган аҳолига пулли хизмат ҳажмини кенгайтириш программасига мувофиқ, завод боғ уйлари деталларини аҳолига етказиб бериш ва монтаж қилиш вазифасини ўз зиммасига олди. Шу йилнинг ўзидаёқ 30 та шундай


Жонажон Ватан бўйлаб

МОСКВА. Москва кемасозлик ва кема ремонти заводида янги хил маҳсулот — ҳаво кўрпаси ҳосил қилиб юрадиган «Луч» пассажир теплоходи ўзлаштирила бошлади. Бу кема сузиб кетаётганда сувга 40 сантиметрдан ортиқ ботмайди. Янги мотор теплоходнинг соатига 50 километргача тезлинда сузишига имкон беради.

МИНСК. Минск ГПЗ—11 заводида янги хил подшипниклар ишлаб чиқарила бошлади. Автомобилсозларнинг буюртмаларига биноан эндиликда уларнинг хизмат муддати Минск автозаводида ишлаб чиқарилувчи янги автопоездлар нинг моторесурсларига мувофиқлаштирилди. Бу маҳсулот эскиларига нисбатан икки баравар кўпга чидайди ва арзонга тушади. Натижада ҳар йили 500 минг сўмдан кўпроқ пулни тежаш мумкин бўлади.

ЛЬВОВ. Львовдаги «Прогресс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг болалар пойабзали цехи янги жойга кўчди. У бош корхонадан 20 километр наридаги қишлоқда — эски филиалда жойлашди. Коллективнинг бевосита иштироки билан бу ерда замонавий спорт пойабзали тайёрлаб чиқарадиган энг янги машина-ускуналар ўрнатилди.

ЛИПЕЦК. Липецкдаги машҳур «Сосновий бор» санаторий реконструкциядан кейин яна очилди. Дам олувчилар бу ерда самарали шифо топадилар. Кабинетлар замонавий аппаратлар билан жиҳозланган. Мутахассислар реконструкция шифохона афзалликларидан тўлароқ фойдаланишга имкон беради, деб ҳисобламоқдалар. Бу ердаги ўрмон минерал сувининг шифобахш хусусиятлари Петр заминларидан бери яхши маълум.



Поти ва Сухоми денгиз портларидаги ҳовузларда катталар ҳам, болалар ҳам сувда Борька лақабли дельфиннинг пайдо бўлишини қизиқиш билан кутишади. Пассажир теплоходларида сайр қилаётган туристлар, турли хил қайиқларда денгизга чиқаётган балиқчилар Борькани балиқ билан меҳмон қилишади. Қора денгиз портларидаги ҳовузларга дельфиннинг кириб келиши қирғоқдаги сувнинг мусаффолиги, табиат муҳофазаси тадбирларининг самарадорлиги далилидир.

СУРАТДА: Сухоми порти даги ҳовузда Борька лақабли дельфин.

Б. Соколов фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

ЛЕНИНГРАД. Ленинграддаги «М. И. Калинин номли завод» бирлашмасида меҳнаткашлар суд алари галереяси ташкил этилди. Эндиликда корхонага келувчи ҳар бир киши бу ерда энг ҳурматли ишчиларнинг номларини билиб олади. Коллектив айниқса фахрланадиган шундай ишчилар орасида Смирновлар сулоласи бор. Прокофий Смирнов собиқ труба заводига асримиз бошларида келганди, ўғли Иван унинг маҳорат эстафетасини давом эттирди. У Қишки саройга қилинган ҳужумда қатнашди, шаҳар ва район советларида Васильев ороли ишчиларининг депутати бўлди. Ҳозирда ҳам шонли сулола вакиллари бу ерда меҳнат қилиб, ўзга рувчан ишлаб чиқариш системаларини, электроника воситасида бошқариладиган станокларни ўзлаштирмоқдалар. Энг кўп сонли сулолалар ўз корхонасига уч минг йилдан кўпроқ умрини бахшида этди. Кўплар нинг номлари завод шон, шуҳрат дафтарига ёзиб қўйилган.

(ТАСС).

Минг бир касб ҳақида ўйлар

Токарь, дурадгор, шофёр, сотувчи, электрик, боғбон, нонвой, сартарош, йўлсоз, мураббий... Э, санаб адоғига етиб бўлмайди. Минг бир касб — ҳар бирининг ўз гаштию саҳовати, сир асрорию фазилати бор. Касбини шарафлаб ўзлари ҳам шону шарафга бурканган саодатманд, пири-бадавлат одамлар кўп. Аммо ана шундай олийҳиммат кишилар орасида ўз касбини ардоқламай уни шахсий даромад манбаига айлантириб олган шахслар ҳам оз эмас.

Оқшомхон дўстлар, биз касблар ҳақидаги туркум ҳикояларимизни давом эттириш, хизмати олдин, ҳиммати олий кишиларни мадҳ этиб, баъзи бировларни ҳажв тиғига рўбарў қилиш ниятидамиз. Азизлар, шу хусусдаги ўз мактубларингизни бизга йўллашингиз, таклиф ва истакларингизни билдиришингизга умидвормиз. Ўз ҳамкасбларингиз, уларнинг ютуқлари, ечимини кутаётган муаммолар, айрим касб эгаларининг ножўя хатти-ҳаракатлари ҳақида бизга ёзиб юборинг.

Бу галги ҳикоямизни слесарлик касбига бағишладик. Иккинчи ҳикоямиз эса тонгни кўча ва хиёбонларда қарши оладиган озодалик посбонлари — фаррошлар ҳақида бўлади.

I. АҲВОЛ ҚАЛАЙ, СЛЕСАРЬ?

Бир касб бор, усиз турмушни, умуман, тасаввур қилиш қийин: уйда ҳам, ишда ҳам, шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам, ерда космосда ҳам, қуруқлигу денгизда ҳам бу касб ўзининг эъзозли эканлигини ҳар дақиқа сайин эслатиб туради. Ўша касб соҳиблари туфайли хонадонларимиз мунаввар, печкаларимизда олов тафти баланд, мушкулларимиз осон, манзилларимиз яқин. Бу касбда ишчи синфининг бунёдкорлик қудрати бус-бутун мужассамдир. Шунинг учун ҳам слесарликни касблар шоҳи, ҳунарлар полвони, дея ардоқлаймиз, шу касб эгаларига рўбарў келганимизда беихтиёр қўлимиз кўксимиздан жой олиб, таъзимга шайланамиз. Келинг, мухтарам газетхон, бизга ҳамроҳ бўлинг, шаҳар кезиб, шу қадоқ қўлли кишилар билан таништайлик, холидан хабарлашиб, дилдан бир дардлашайлик.

Мана, «Узбекхлопкомаш» бирлашмасидамиз. Бирлашма республикамиз пахтачилик саноати корхоналари учун машина ва механизмлар тайёрлаб беради. 3-йиғув цехининг илғорларидан бири Неъматулла Таштамов билан партком секретари М. И. Лукянов хонасида учрашдик.

— АҲВОЛ ҚАЛАЙ, СЛЕСАРЬ!
— ЯХШИ!

Неъматулла кунлик ва ойлик топшириқларини муттасил ошириб бажариб келаётгани, жуда кўп шогирдлар тайёрлагани, коммунистлар унга катта ишонч билдириб, шаҳар партия комитети аъзолигига ҳамда цех партия ташкилотининг секретарлигига сайлашганини тўлқинланиб гапириб берди. Турмуши яхши. Қизлари Гулнора билан Гулчеҳра ҳам шу корхонада ишлашяпти, учовининг ойлик маоши 600 сўмни, беш кишилик оила бюджети эса 800 сўмни қоралаб қолар экан.

Бирлашма ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи В. Д. Ламбров бизни асбобсозлик цехининг ишчиси Александр Игнатенко билан таништирар экан, «темирга ҳаёт бағишлайдиган одам», деб қўйди.

— АҲВОЛ ҚАЛАЙ, СЛЕСАРЬ!
— ЖУДА ЯХШИ!

Александр Васильевич ўз цехини бирлашма юраги, деб атади. Дарҳақиқат, барча деталлар шу цехда тайёрланади, бу ердаги иш сифати ва суръати бутун заводнинг «юзи»ни белгилайди. «Сўнгги йилларда пахта тозаловчилардан ҳали бирорта шикоят олганимиз йўқ, деди у кулиб, демак ёмон ишламаяпмиз».

Ҳа, асбобсозлар яхши ишлашяпти. Буни билиш учун ойлик ведомостга бир назар ташлашнинг ўзи кифоя: 280, 300, 360, 400, 420, 480 сўм. Корхонадаги жами ишчиларнинг 80 процентн моянаси 260 сўмдан кам эмас. «Ҳаётбахш одам»нинг ўзи эса ойига ўртача 545 сўмдан маош олаяпти, оилада уч киши, кичиги Светлана — студент, катта қизи Киевда истиқомат қилади, унга ҳам ёрдам бериб турибди, бунинг устига уч-тўрт сўм жамғармаси ҳам бор. Ҳалол меҳнат — мўмай даромад, қандингни ур, слесарь!

...Шаҳар кезишда давом этдик. 21-автобус маршрутини шоферлардан бири ўзи ишлайдиган 2519-автоколоннада слесарларнинг тариф ставкаси ошгандан буён машиналарнинг сафдан чиқиши кескин камайганлигини мамнуният билан гапириб берди. Мақтанганнинг уйига бор, деган нақлга амал қилиб автоколонна рўпарасидаги бекатда тушиб қолдик.

Колонна бош инженери Зокиржон Ҳакимов қисқача изоҳ берди: корхонада 11 та ремонт устахонаси мавжуд бўлиб, уларда 117 нафар слесарь хизмат қилади. Илгари ҳар бир слесарь соатига 60 тийин атрофида хақ оларди, янги тариф жорий этилгач, бу миқдор 1 сўмга яқинлашиб қолди. Шунинг учун ҳатто аттестациядан кейин икки ва учинчи разрядга тушиб қолган слесарлар ҳам ҳеч нимадан ютқазишмади. Аммо уларнинг масъулияти оширилди. Эндиликда слесарнинг моддий манфаатдорлиги автобуснинг маршрутда қанчалик узоқ ва узлуксиз ишлашига боғлиқ.

Мотор ремонти устахонасида ёш ишчи Фахриддин Ҳамроқулов билан учрашдик.

— ХЎШ, АҲВОЛ ҚАЛАЙ, СЛЕСАРЬ!
— ЧАККИ ЭМАС.

Автослесарь 1 апрелдан кучга кирган янги тарифдан кейин ишлар анча юришиб кетганини, иш шароитлари яхшиланибгина қолмай моддий манфаатдорлик ҳам ошганини, илгари 180 сўм, ҳозир эса ойига 250 сўм атрофида даромад қилаётганини, турмуш ўртоғи Марҳаматхон билан икковининг ўртача иш ҳақи ойига 400 сўмга етиб қолганини айтди, айрим ҳамкасбларим, жумладан Александр Жданов, Владимир Хлюстов сингари слесарларимиз авторемонт устахоналари бошлиғи Владимир Кашаев ва ҳатто бош инженеримиздан ҳам 60—70 сўм ортиқ маош олишаяпти, деди. Бунинг сабабларини у қуйидагича тушунтирди: аввало, колоннада ремонт базаси анча мустаҳкамланди, эндиликда камёб деталлар кетишини кутиб ўтирмасдан уларни цехларда слесарларнинг ўзлари бемалол ясайвершади. Қолаверса ҳар бир слесарнинг ташаббус кўрсатиб меҳнат қилиши учун кенг иш фронти яратиб берилди. Абонемент системасига ўтилганлиги 35 кондуктордан 20 нафарини бошқа ишларга кўчириш имконини берди. 15 нафар кишигина абонемент реализацияси билан шуғулланади, уларнинг ҳам асосий қисми пенсионерлардир.

Ана шу тадбирлар корхонада меҳнат унумдорлигининг кескин ошишига олиб келди. Бироқ автоколонна ҳанузгача дотацияда ўтирибди, давлатга фойда ўрнига зарар келтиряпти. Бу хилдаги автокорхоналар республикамиз пойтахтида оз эмас. Уларни ҳам хўжалик ҳисобига ўтказиш билан боғлиқ муаммоларни ечиш фурсати етиб келмадимикин? Агар бу муаммолар тезроқ ҳал этилганида бундан нафақат ремонтчи-слесарлар, балки ҳайдовчилар ҳам катта наф кўрган бўлур эдилар.

Слесарь. Шу олийжаноб касб эгаларига бўлган чексиз ҳурматимиз, қўли гул слесарларни айниқ пайтда нималар қизиқтираётганини, улар дилидаги эзгу орзуларни, ташвишларини билишга бўлган интилишимиз бизни жуда кўп сонли ремонтчилар фаолият кўрсатаётган турар жой эксплуатацияси идораларига бошлаб келди. Қўйлиқ, Қорасув, Сергели, Чилонзор, Қорақамиш, Юнусобод массивларида бўлиб, ўнлаб сантехник слесарлар билан суҳбатлашдик. Қаерда бўлмайлик ҳамма жойда бир хил манзара. Шунинг учун ҳам бизга тузукроқ деб айтишган Киров районидаги 12-турар жойдан фойдаланиш участкаси слесарлари даврасидаги учрашувларимиз, суҳбатларимиз мундарижасини сиз, азиз газетхонлар ҳукмига ҳавола қилиб қўяқолишни лозим топдик. Бизни ремонтчилар бригадаси бошлиғи Сергей Михайловнинг ўзи кутиб олди.

— АҲВОЛ ҚАЛАЙ, СЛЕСАРЬ!
— ЁМОН, ЖУДА ЁМОН!

Нимадандир асаби бузилиб турган Сергей шардай шишган «семиз» бир дафтарни қўлимизга тутқазди. Бир соат давомида уни аранг варақлаб улгурдик. Олти ой ичида участка ихтиёридаги уйларда яшовчилардан 605 та арзнома тушибди: бировнинг уйи ремонтга муҳтож, бошқасининг томидан чакка томаяпти, яна бировларнинг унитазига сув келмай қўйган. Баъзилар бино ертўласидаги «кўл»да балиқлар уриқётганидан шикоят қилишган.

Хуллас, арзномаларнинг бири иккинчисига ўхшамайди. Ҳаммасида ялиниширлар, ёлворишлар, илтимослар, ҳатто дўқ-пўписалар ҳам бор. Сарҳисоб қилиб кўрдик: ҳатто баъзан кунига 10—12 тадан арзнома тўғри келади. Участкада эса атиги 6 нафар слесарь ишлайди.

Улғуяпсизларми, деб берган саволимизга бригадир «Шу ердан маош олгандан кейин ҳаракат қилаяпмиз. Баъзан 12 соатлаб ишлашга тўғри келади» дея жавоб қилди. Слесарь слесарда, ярим сутказлаб ишлагандан кейин даромаднинг зўри ҳам шуларда бўлса керак, деган хаёлга бордик. Аммо иш ҳақи миқдорини эшитиб ҳангу-манг бўлиб қолдик: ҳар бир слесарь атиги 83 сўмдан маош олар экан.

— Шундан ҳам ушлаб қолишади, — деди Сергей, — 60—70 сўм қўлга тегади. Ҳар биримизнинг оиламизда уч-тўрт тирик жон бор. Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак, деганларидек баъзан етмай қолади, қарз олишга ёки бировларнинг томорқаларида чапаки иш қилишга тўғри келади.

Шу пайт электр генераторни кўтарганича ҳаллослаб бир йигит кириб келди. Бу, слесарь Пўлат Орифхонов экан.

— АҲВОЛ ҚАЛАЙ, СЛЕСАРЬ!
— Э, РАСВО!

У юзидаги маржон терларини артиб бизга тикилди. Мақсадимизни англаб етгач, эрталабдан буён битта аварияни бартараф этиб ниҳоят ремонт ускуналарини ўзи орқалаганича идорага энди етиб келганини айтди.

— Улов йўқми?

Транспорт шу участкадагина эмас, шаҳардаги барча турар-жой идораларидаги энг асосий муаммолардан бири экан. «Бизда атиги битта моторолер бор, — деди участка бош инженери Владимир Серёгин, унинг ҳам ҳужжатлари йўқ. ГАИ ходимларидан чўчиб, пастқам пана кўчалар орқали қатнаймиз. Бу машинаси тушмагур, тағин кунда бўлмасада кунора бузилиб туради. Илож қанча, газ баллонлари, генераторларни авария бўлган жойларга трамвай-троллейбусларда ташишга мажбурмиз. Оқибатда жуда кўп вақтимиз бекорга сарф бўлаяпти. Баъзи турар жойларимиз эса идорадан 10—12 километр узоқда жойлашган. Йўқотилган вақт учун ҳақ тўлаш калькуляцияда кўрсатилмаган».

Слесарь Сергей Титовнинг эътироф этишича, ертўлаларда тўпланган сувни чиқариб ташлашга ҳам жуда кўп вақт ва меҳнат сарф бўлади. Бу жуда машаққатли иш. Аммо калькуляцияда кўрсатилмаганини учунгина бу ишга ҳам бирор тийин бериширмайди. Байрам арафаларида бадиий устахоналар рассомлари ишлаган транспарантлари, шиорлари учун юқори ставкаларда ҳақ олишади. Уларни баланд бинолар пештоқларига осиш учун икки-уч кунлаб вақт сарфлаган участкаларнинг слесарларига эса баъзан бир оғиз «раҳмат»ни ҳам раво кўришмайди. Нима, бу касб эгалари ўгаймн?

Халқимизда «Эскини ямагунча эсинг кетади» деган нақл бор. Зинҳор-базинҳор бу гапни турар-жой участкалари слесарлари ҳузурида тилга олма кўрманг. Бусиз ҳам ловуллаб турган дилдаги оловга бензин сепгандек бўласиз. Биз фиғони фалакка кўтарилиб тағин ремонтга отланган слесарь Павел Бочкаревга тасодифан дуч келиб қолдик.

— АҲВОЛ ҚАЛАЙ, СЛЕСАРЬ!
— БУНДАН БАТТАР БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС-

Павел «Марказ—6» даги 114-уй 1-квартирада яшовчи В. Кондратюк, Новомосковская кўчаси, 42-уй, 60-квартирада яшовчи С. Ермаковаиинг кранларини бир неча марта ремонт қилиб, энди «Марказ—6» даги 118-уй, 44-квартирада истиқомат қилувчи пенсионер К. Екимов билан учрашишга юраги чопмай турганини айтди. Нега? Сабаби шунда эканки, канализация қувурлари учун беш йил муддатга ишлаб чиқарилаётган пластмасса сифонлар сифатсизлиги туфайли тез ишдан чиқиб қоляпти. Буни тушуниб етмаган баъзи отахон ва онахонларимиз слесарларни ношудликда айблаб юришади. Темир ва чўяндан ясалган зарур деталлар эса анқонинг уруғи. Участкаларнинг омборларида фаррошларнинг беш-олти супургисидан бошқа ҳеч вақо йўқ. Винтель ёки задвижкани кундуз куни чироқ ёқиб ҳам тополмайсиз. Мана, йилнинг ярми ўтаяпти, турар-жой участкалари эса шу пайтгача лоақал бирорта гайка ҳам олишмади. Эски деталларни ҳадеб ямайвериш эса ҳамма слесарларнинг жонига теккан.

Оқибатда шаҳардаги турар-жой эксплуатацияси участкаларининг барчасида мутахассислар қўнимсизлиги жуда баланд. Биргина 12-участканинг ўзида булгурги йилда слесарларнинг ярмидан кўпи ишдан кетиб қолишди. Шу йилнинг ўзида эса бу ерда нормал ишлашга имкон бўлмаганлиги учун В. Носиков, Г. Златолинский, А. Миржалилов, М. Бесхов сингари ажойиб ремонтчилар ўз коллективларини тарк этишди.

— Ҳозир ишлаётганлар ҳам кетиб қолишсачи?

— Кетишмайди, — бепарво қўл силтади бош инженер; — энди кетишмайди, квартира ваъда қилганмиз. Баъзиларига ўн йил ишлаб бериш шарти билан эски турар-жой фондидан уйлар ҳам бердик. Хуллас, слесарларни умидвор қилиб шу кичик ойликка ишлатиб турибмиз. Янги ишга қабул қилинган слесарлар квартира олинжида юришгани учун жонини жабборга бериб ишлашяпти.

— Алдагани бола яхши. Бироқ булар бола-чақали одамлар-ку. Иш ҳақини оширишнинг иложи йўқми?

Суҳбатга участка бошлиғи ўртоқ Т. Ю. Князгина аралашди:

— Биз бригада пудратига кўчдик. Ҳозирча ҳар бир слесарнинг ойлиги 120 сўмгача кўтарилиши кутилаяпти. Афсуски, бунинг узоқ давом этишига кўзимиз етмайди...

Нима учун? Маълумки, бригада пудрати шароитларига мувофиқ маош қилинган иш ҳажми ва сифатига қараб тўланади, топшириқ тўла бажарилганидан кейингина наряд ёпилади. Ҳозирги шароитда нарядни вақтида ёпишнинг ҳеч иложи йўқ. Бунга фақат битта сабаб: эҳтиёт қисм ва деталлар ниҳоятда камчил. Ҳатто баъзи деталларни ўз пулимизга магазинлардан ҳам топиб бўлмайди. Слесарларнинг ўз иш ускуналаринн шу қичкинагина маошлари ҳисобига сотиб олишларини назарда тутсак, уларнинг эҳтиёт қисмларни топишлари нақадар мушкул эканлиги ўз-ўзидан равшан. Бунинг устига шаҳримизда эски фонддаги бинолар ҳали кўп, улардаги сантехника тармоқлари анча эскирган, кўпгина канализация, ички истиш шахобчалари ва унитаз қувурларини алмаштириш талаб этилади. Бирорта эҳтиёт қисм бўлмаган бир пайтда бу ишларни қандай бажариш мумкин. Қилинмаган ишга наряд ёзилмайдику. Демак, бу аҳволда бригада пудратидан қанақа наф бўлиши мумкин?

— Гоҳида биз, сантехникларни телемниатюраларда калака қилишади, радиода, газета-журналларда ҳажв остига олишади, — кўзини ерга тикиб гапирди слесарь П. Орифхонов, — Тўғри, орамизда квартира эгаларининг қўлига қарайдиган таъмагирлар ҳам бор. Бундай нопок шахсларнинг ножўя хатти-ҳаракатларига қараб ҳамма слесарлар фаолиятига баҳо бериб бўлмайдику. Эҳтиёт деталларни муҳайё қилиб қўйишсами, слесарь билан мижоз ўртасида умуман келишмовчилик бўлмайди, учирма арзномаларнинг ҳам қанотлари қирқилади...

Дарҳақиқат, сантехниклар учун эҳтиёт қисм топишдан ҳам ортиқроқ ташвиш йўқ. Шаҳримизда сантехника ускуналари (СТУ) заводи мавжуд. У Чилонзордаги Пионер кўчасида жойлашган. Бу завод камёб деталларни умуман ишлаб чиқармайди. Қизиғи шундаки, республика тугул ҳатто унинг пойтахтини эҳтиёт қисмлар ва деталлар билан таъминлай олмаётган бир шароитда завод ўз маҳсулотларини шартнома асосида Грузия ва Белоруссияга жўнатиб турибди. Тўғри, қардошлик қонуни биз учун муқаддас. Лекин тошкентликларни ҳам эсдан чиқазиб қўймаслик керакку?

Заводнинг ишлаб чиқариш қуввати пастлиги ҳаммамизга маълум. У ҳатто бизнинг шаҳримиз эҳтиёжларини ҳам қондиролмаяпти. Янги завод эса шу ўн йилликнинг охирида қурилар экан. Ўшангача турар жой хўжалигимиздаги мазкур муаммолар давом этиб қолаверадими? Уларни тезда ҳал этишнинг иложи борми?

Биз билан суҳбатда бўлган инженерлар, слесарлар ва участкаларнинг раҳбарлари бу саволга «Ҳа, бор» деб жавоб беришаяпти. Бунинг учун зудлик билан турар жой коммуникацияларига хизмат қилишга мўлжалланган шаҳар марказий ремонт базалари (устахоналари)ни вужудга келтириш зарур. Агар шаҳардаги ҳар бир турар жой участкаларидан бир нафар слесарь шу устахоналарга жалб этилганида ҳам эҳтиёт қисмлар ва деталлар проблемаси бир мунча ҳал этилган бўлур эди. Слесарлар эса у ёки бу қисмни квартира эгаларининг ўзлари топиб беришларини сўраб ялиниб юришдан қутилишарди.

Хуллас, шаҳримизда мавжуд турар жойлардан фойдаланиш участкаларининг ҳаммасидаги аҳвол ана шундай, ҳамма жойда шу бир хилдаги манзара. Шундай шароитда меҳнат қилаётган сантехникларнинг бардошига тан бермасдан иложимиз йўқ. Уларда на кўним бор, на тиним. Ҳамма ери бирларининг ночор аҳволини яхши билишади. Шундай бўлсада кўнгил учун ўзаро дуч келишганда:

— АҲВОЛ ҚАЛАЙ СЛЕСАРЬ! — деб сўрайдиган бўлиб қолишган. Бас, бу саволга энди турар-жой хўжалигининг мутасадди раҳбарлари жавоб беришсин. Уларнинг ҳам лоқал слесарлар кўнглини кўтарадиган бирор тузукроқ гап чиқиб қоларку, ахир!

А. НУРИЛОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

ЖАҲР ОВОЗИ

Жажжи шеърлар

Сулаймон РУСТАМ,
Озарбайжон.

Каспий бўйида

Истайман, Ҳазарнинг қирғоқларида,
Тонгги лаъл шафақни олсайдим кутиб.
Сиғдирсам барини қучоқларимга,
Бир ёғду қолдирмай қўксимни тутиб.
Ҳазарла биргаман тақдир ёзиқдир,
Қалбим тўлқинига уйқаш шиддаткор.
Тирикман Ҳазардан айрилмоқ йўқдир,
Ўлсам бўлақолсин у менга мозор.

Вадим СИКОРСКИЙ,
РСФСР

Манзара

Қайтдим бепоён далалар томон,
Кўк гумбази яшнаб менга қарарди.
Тонг ўзининг нурли чалғиси ила
Тунги сояларни ўриб борарди.

Сен севасан

Илк муҳаббат они биз ичдик қасам,
Айрилмай юрамиз қадам-бақадам.
Икковлон кўп нарса этгандик орзу,
Ушалмай... чечаклар қувради мангу:
Ўлим совуқ қўлин узатди ҳайҳот.
Йўқ бўлди қасам, дийдор умрбод.
Билмадим, қайғуни қандай енголдим,
Кун ўтар, мен сендан айрилиб қолдим.
Мен сенга ростини айтаман бу гал,
Муҳаббатинг тиз чўктирди, гўзал!
Ер остида ётиб севасан мени,
Мен ҳаёт қолдиму унутдим сени.

Хўроз

Олам тонгин куйлашга шайман,
Тонг отарда бор овоз билан.
Қанотим бор, мақтанмайман лек,
Чарх урмайман зўр парвоз билан.
Ер шарини учиб айланиш,
Рости, мен-чун ғадир беҳуда.
Бир қишлоқни ғафлат уйқудан,
Уйғотолсам бахтлиман жуда.

Темур УБАЙДУЛЛО таржималари.

Ким ЖИХА, Корея.

ЮРТ СОҒИНЧИ

Осмону фалакнинг косаси тўлган.
Ёмғирли, чақмоқли сур булутларга,
Йироққа қувлайди увиллаб бўрон.
Шамъ-қолдиқда йиғилган нимжон пилик
Калта оқшом ўчаётган олов қошида.
Гўшимда ёмғирнинг тилсиз шовқуни.
Оқарган сочларин ёйиб паришон
Сариқ денгиз ўзи инграб ётибди.
Исинар кўксимда бир тутам олов.
Ором топган каби ҳалокатидан,
Тўлқинлар гирдобда синграб синади.
Кўчалар яна-да тўлқинлар менга
Келиб урилганин кўриб турибман
Қоронғу гирдобнинг исканжасида.
Ўчиб-ёнаётган олов кўксимда
Исинар. Ақлдан оздирар мени.
Лойшувоқ тўртдевор буржида, тунда
Оқариб кўринар бир кафан гўё.
Ўзим гўё қуюқ қоңдан иборат.
Қадим Сариқ денгиз танаси узра
Жароҳатман очилиб ётган. Балки
Шундайин ўзимга сўқмоқ очарман
Тонг чоғи ўлим-ла ўлимни кўмиб
Кетарман. Титраган сариқ аланга
Ҳали кўксим аро ўчмасдан туриб.
Тундан келтирилган кишининг бўғиқ
Ҳиқоясин тинглар тинмай оломон.
(Тонгда кишан солиб олиб кетарлар)
Қонни маст қиларди унинг сўзлари,
Гоҳ иноқ баҳорнинг яшнаши мисол
Тутилмас зирванинг шағилашидек
Гоҳ руҳни сизлатар ҳудди бонг кабн
Ўт олиб чақнарди кўзлари унинг
Мисоли гулдирак унинг овози:
— Ҳайвон қаторида саналмас инсон!
Шу боис йиғлайди вақт талошида
Ранги ўчиб кетган шу пахса қўрғон,
Йиғлайди шу юксак довон, йиғлайди
Дайдиб олисларга бораётган йўл,
Чўққиларда юм-юм йиғлар наъматак,
Теран ҳароратн билан эритиб
Йиғлайди эски қор. Томчилар униб
Кўз ёшидек парпирар тонготар янглиғ.
Яна кучга тўлар унинг овози,
Шиддат-ла жаранглар бонг кабн мағрур,
Ҳайбатли гирдоб тўлқинларидек
Қояни йиттувчи исёнкор зарба:
— Ҳайвон қаторида саналмас инсон!
О, гирдоб, доимо тинсиз, қоябанд
Бу ўлик уйқулар салтанатини
Уйғотгувчи сенсан, о зирва, сенинг
Тўлқинларинг шовқун солиб гулдирар:
— Ҳайвон қаторида саналмас инсон!
Ақл бовар қилмас, не балолик кун,
Не қаро кун тушди менинг бошимга.
Бу кирли дунёнинг дарди, ғавғоси
Солдими кўнглига англанмас туйғу.
Хас-хашак булутли осмонни тутди,
Тўсиб қўйди ёруғликнинг кўзларин
Дунёнинг ишлари ўтар бирма-бир,
Рангин ойнада кўринар аниқ.
Ёху, бир-бирида даҳшат сувратлар,
Потирлар товуқнинг узилган бошн.
Қон-кўлмак ичинда лошн потирлар.
Болакайнинг шаффоф пешонасида
Бўртган кўк томирлар. Очликдан
шишган.
Ақл бовар қилмас, ҳар неки чала,
Наҳот ҳеч нарсани тузатиб бўлмас.
Бу очун муз қатлам ичинда нечун!
Музларнинг устидан борурман урён.
Кўзларим қорайиб кетгунча сиқар
Уйсизлик, ёлғизлик панжаси мени,
Ақл бовар қилмас ким, учун ахир,
Не учун бу менинг чеккан азобим.
Сим — ёғочга осди бўм-бўш тўрвасин,
Болакай шу заҳот музлади, қотди,
Не учун, шу юпун, шу озғин вужуд
Менинг бошим узра йиқилди тоғдек.

Рауф ПАРФИ таржимаси.



Болгариянинг кичкинагина Элин-Пелин шаҳарчаси ўнлаб фольклор коллективлари, шунингдек айрим ижрочилар, ҳатто кичкинтой санъаткорлар ҳам қатнашадиган санъат байрами марказига айланди. Бу байрамда асосан София ва унинг атрофларида яшовчи, ўзининг мутойибалари билан шуҳрат қозонган шоп халқи қатнашмоқда. Шаҳар стадионида томошабинлар ҳаваскорлик коллективларининг қўшиқ ва рақсларини томоша қилдилар.

А. Смирнов фотоси.
ТАСС.

Бинт аш-ШАТИ

Миср Араб Республикаси.

УМИДНИ ОҚЛАМАГАН ЎҒИЛ

Ҳикоя

Оилада аёллар беш нафар эди... Улар оила бошлиғини сўнгги йўлга кузатдилар: уй бекаси бева, қизлар эса етим қолишди. Она ўзининг тўртта қизи билан марҳумнинг маъракаларини ўтказиб, таъзияларни қабул қилиб улгурмай тез орада ишга кирди.

Кўпчилик бева аёлни ноҳақдан-ноҳақ шафқатсиз ва виждонсиз деб айтарди. Аёлнинг қайғуси қанчалик оғир бўлмасин, у тақдирнинг қалтис синови олдида таслим бўлмади. Она бир нарсани билардики, йиғи-сиғидан фақат овуниш мумкинлиги, ғам чекиш эса кишиларнинг унга ва қизларга бўлган ҳамдардлигини намоён этиши мумкин эди. Бироқ, бу аёл ҳамдардликдан қандайдир фойда чиқишига кўзи етмади.

Марҳумнинг тўртта қизидан бошқа яна яқиндагина медицина факультетига ўқишга кирган йигирма яшар ўғли ҳам бор эди. Дарҳақиқат, у қизлардан аввалроқ тилга олиниши керак эди. Наҳотки йигит ота-онанинг умиди, ишончи бўлмаса? Ахир оилада ўғил боланинг дунёга келиши шодиёна байрам сингари табрик садолари билан қарши олинмайдими? Ахир ўғил падари бузруквори кексайган чоғда унга таянч бўлмайдими, унинг вафотидан сўнг бева ва етим қолган қизларни ўз ҳимоясига олмайдими? Ҳа, ҳаммаси шундай.

Марҳумни кўмиш маросими куни онани ўраб олган кишилардан бири унга юзланиб деди:

— Инсон ўлмайди, зеро унинг шундай ўғли бор экан. У тез орада врач бўлади, она ва сингилларнинг ғамхўрлигини ўз зиммасига олади.

Кишилар шундай дейишарди. Худди шу сўзларни она ўз қизларига айтарди, ака учун улар оғир ҳаётий кураш йўлидан ўтишлари муқаррарлигини таъкидларди.

Ҳаммадан илгари тўнғич қиз ишга жойлашди: она уни хотин-қизлар мактабларидан бирига ойлик иш ҳақи бор-йўғи беш фунт бўлган ёзув-чизув ишларини олиб борувчи ходим сифатида ишга киришга ёрдам берди. Бу арзимас иш ҳақи оила учун тиланчилик қилмасдан очлик ва яланғочликни бир амаллаб бартараф этиб туришга ярарди. Ахир «улар бахтиёр ва келаси куннинг истиқболига кўз тикиб яшаётган эдилар-да! Мана шу беш фунт, шунингдек ўспирин йигитнинг эҳтиёжини қоплай олармиди? Йигит ўз қадр-қимматини сақлашда бой студентларга тақлид қиларди.

Кунлар машаққат билан ўтаркан, ўспиринниинг эҳтиёжи тинимсиз ўса борди. Ўз акасининг «қадр-қиммат»ини сақлаб қолиш, унинг бой ўртоқларидан ортда қолиб кетмаслик учун, унга маъқул бўлган башанг, модали костюмни кийиб биринчи даражали кулай вагонларда юришн учун унинг иккинчи синглиси ҳам музика ўқитувчиси сифатида ишга кирди.

Аммо икки қизнинг ишлаб топаётган пули йигит эҳтиёжини аранг қондирарди. Бунинг устига катта оиланинг ўз ташвишлари...

Энди эса, оилада ишга кирмаган кичик ва кенжа қиз қолганди. У мактабда таълим олаётган бўлиб келгусида бирон мутахассисликни эгалламоқчи эди. Бу орада тўнғич қиз турмушга чиқди. Хонадондаги турмуш эса илгаригидек оғир аҳволда қолаверди. Оч-наҳор, кўп нарсадан маҳрум бўлган фидокор аёллар машаққатли йўлда кетишаётган эди... Улар назидда булут орасидан умид қуёши кўринаётгандек эди, ҳаммасига «доктор ака»нинг ёрқин сиймоси руҳлантираётганди. Қизларнинг тасаввурида бир неча йилдан сўнг у ўзининг кучли, забардаст қўлларини чўзади-ю, уларни қутқариб қоладигандек туюлаётганди. Ҳозирча, улар барча қийинчиликларни енгиб, унинг бўлғуси ёрдамига ишонч боғлаб ҳаёт кечиришарди.

Узун кунлар, уйқусиз тунлар шу зайл ўтиб борарди. Тун кечалари улар таранг асаблар билан қандайдир ҳаётий куч туфайли юзага келган бежирим кийим бичиб-тикардилар.

Бундай кунлар ва тунлардан қанчаси ўтди экан. Йигитча медицина факультетида етти йил таълим олди. Ана шу етти йил онаизор ва сингиллар учун узоқ ҳаётдек ўтди. Уларнинг ҳар бир кечирган куни асрга татигулик бўлиб меҳнатга тўлиб-тошган, силла қуришу, чарчоқ билан ўтиб борди.

Қизлар ҳузур-ҳаловат кўрмай ташқи дунёдан анча узоқлашиб кетишди. Улар ўзларини фидо қилиб на оналикнинг табиий ҳиссиётуйғусига, на ҳуфиёна муҳаббат нидосига жавоб қайтардилар. Бундай мулоҳазалар ҳақида фикр юритиш учун уларда бирон дақиқа бўш вақт йўқ эди.

Бир неча кун ўтгач, доктор волидаси ва сингиллари билан хайрлашиб сафарга жўнаб кетди. Улар йигитни яхши тилаклар ила кузатдилар. Уларнинг умидвор кўзлари акасининг кўчиб ўтган шаҳарга қадалганди. Сингиллар унга бирин-кетин мактублар ёзиб, шахсий ҳаётдаги юз бераётган ўзгаришлар ва ютуқларни сўрар эдилар. Лекин, у бўлса ҳатто хатларга жавоб ҳам бермасди. Ахири бундай саволлар ёлғиз ўғилнинг жонига тегди шекилли, шунда у онаси олдига келиб, киймлари кўримсиз эканлиги-ю, келиб даволаниб турадиган беморлар олдида ўз квартирасининг ёмон жиҳозланганлиги ва керакли медицина асбобларининг етишмаслигидан шикоят қилди.

Оила аъзолари эса, кунни тунга улаб ишлашда давом этишар, кўп ойлар ўтгандан кейин ҳам қизлар докторни бахтиёр ҳолда кўришга муяссар бўла олмадилар.

Доктор ўз гўшасига ёшгина чиройли хотини билан савлат тўкиб енгил машинасида қайтиб келди. Келин эса, бу хонадонга ташриф буюрган кунларида кўпинча магазинларда сандироқлаб ва кўнгилхушлик қилиб вақтни ўтказди. Она ўғлига юзланиб турмушга чиққан катта синглисидан қарзга олган (у тилла тақинчоқ комплектини сотиб юборган эди) юз фунтни қачон қайтариб беришини, ҳозирда унинг турмуш ўртоғи бундай қилмиши учун ҳатто ажрашиб кетмоқчи эканлигини айтди.

Доктор хотини билан уйига қайтиб кетиш олдида машинасига ўтирди-да, қарз олган синглисига уч фунт узатиб деди:

— Мен сенга кўпроқ қайтармоқчи эдим, афсуски, ҳаражатлардан қолгани шу.

Сингил пулни олмай анграйиб туриб қолди. Синглисининг ҳайкалга ўхшаб қотиб туриши докторнинг асабига тега бошлади, чунки у «шошаётган» эди-да. Доктор синглисидан нега пулни олмаётганини сўради,

Сингил эса қизларга қараб кулди:

— Биз уни врач қилиб вояга етказа олдигу, аммо ҳақиқий инсон бўлиб етишишига ожизлик қилибмиз.

Арабчадан Бобур ГИЁСОВ таржимаси.

ХАНДАЛАР

ЎҚИТУВЧИ:
— Экспедиция Шимолий қутбда қандай ютуқларга эришди?
ЖИММИ:
— География дарсларини қийинлаштиришдан бошқа ҳеч нарсага эришмади!

●

— Ойи, нега ёмғир ёғади?
— Ўсимликларни ва меваларнинг ўсиши ва пишиши учун.
— Вой, унда нега кўпригимизга ҳам ёғаяпти?

●

ОТА:
— Нега шу пайтгача мактабда ушлаб қолишди?
Ўғил:
— География дарсида Курилнинг қаердалигини билмаганим учун.
ОТА:
— Ундай бўлса, бундан сўнг нарсаларингни қаерга қўйганлигингни эсдан чиқармагин!

Инглиз тилидан
Ш. ШОМАҲМУДОВ таржимаси.



ГДР. Бу йил Германиянинг пойтахти майдони очиқ концерт залига айланиб кетди. Берлинликлар ўз шаҳарларининг 750 йиллик юбилейини нишонладилар.

СУРАТДА: ГДР миллий халқ армияси ва Германиядаги совет қўшинлари группаси бадиий ансамбларининг ҳамкорликдаги концерти.

АДН—ТАСС фотоси.

Норман КОЗИНСК. Америка

КУЛГИ ТЕРАПИЯСИ

Кунларнинг бирида чет эл сафаридан қайтарканман, ўзимни жуда ёмон ҳис қилдим. Мени салгина безгак тутиб, бутун танамда оғриқ пайдо бўлди. Орадан бир ҳафта ўтмай бўйним, қўл, оёқ ва бармоқларимни қимирлатиш қийинлашди. Охири касалхонага тушдим. Яқин дўстим доктор Уильям Хитцингинг айтишича, касалим ниҳоятда оғир эди. Гўёки аъзои-баданим тўзиб борарди. Териларим остида қаттиқ тугунлар пайдо бўлди. Сира жағимни очолмас эдим. Доктор Хитцинг Нью-Йоркдаги Говард Раск клиникасидан мутахассислар чақирди. Улар умуртқани бирлаштириб турувчи тўқималарнинг бузилиши, деган хулоса чиқардилар.

Мен доктор Хитцингдан тузалишга қанчалик умидим борлигини сўрадим. У бунақа касалнинг беш юздан биттаси тузалиши мумкинлигини очиқ айтди. Бу гап мени чуқур ўйлашга мажбур этди. Аввал даволанишимни медицинага ташлаб қўйган бўлсам, энди бунга ўз имкониятларимни ишга солишга қарор қилдим. Агар ўша тузаладиган беш юздан бир одам мен бўлсам, қўл қовуштириб ўтиришга ҳаққим йўқ.

Мен ўн йил олдин Ганс Сельенинг ажойиб бир илмий иши билан танишгандим. Автор салбий кайфиятнинг организмда кечадиган химиявий жараёнларни қанчалик бузишини батафсил кўрсатиб берганди.

Натижада, менда, яхши кайфият қандай таъсир этади, деган савол туғилди. Агар салбий кайфият организмга шунчалик ҳалокатли таъсир қиларкан, демак, аъло кайфият шунчалик ижобий роль ўйнаши керакда.

Маълумки, ижобий ҳиссиётлар механизмини ишга солиш осон эмас. Мен ўзимча соғломлаштирувчи кайфиятлар системасини ўйлай бошладим. Доктор менинг фикримга тўла-тўкис қўшилди. Аммо шундай аҳволда қандай қилиб кула олишим мумкин? Бутун танам чидаб бўлмас даражада оғриб турган бўлса! Программани жуда пухта ишлаш зарур эди. Мен ишни кинокомедиялардан бошлашга лозим, деган қарорга келдим. «Яширин камера билан» комедиялар серияси продюсери Аллен Фант кинопроектор ва ўша фильмдан энг қизиқ парчаларини юборди. Натижа аъло бўлиб чиқди. Ўн минут кулганимдан кейин танамдаги оғриқлар йўқолди ва камида икки соат оғриқсиз ухладим. Кулгининг кучи тугагач, тағин кинопроекторни ишлатиб, даволашни такрорлардим.

Баъзан ҳамширa юмористик китоблардан ўқиб берарди. Айниқса, Катарин Уайтнинг «Америка юмори хазинаси» ва Макс Истменнинг «Чин дилдан куламиз» китоблари фойдали туюлди. Ҳар гал кулгидан сўнг анализ учун қон олишар ва у оз-оздан бўлсада, яхшиланиб борарди. Бу эса менга куч-қувват бағишлади.

Тўғри, кулги терапиясининг ижобий таъсирига касалхона шароити қаттиқ халақит берарди. Бироқ меҳмонхонага кўчиб ўтишим учун ҳамма нарса тахт эди. Меҳмонхонага ўтиб, кайфиятим янада яхшиланди. Чунки меҳмонхонага тўланадиган ҳақ касалхоналардагидан уч баравар арзон, эрталаб ювинишга уйғотишмас, овқатланиш ва дори қабул қилишга зўрлашмас, студентларга намойиш этишмасди. Менга кулгидан ташқари, С витамини ҳам катта ёрдам берарди. Кулги ва витамин қўшилиб жуда қудратли дорига айланди. Ҳароратим пасайиб, пульсим тинчланди. «Кулги терапияси»ни жуда актив ва тинимсиз қўлладик. Ўйқум тобора узоқроқ чўзилар эди.

Саккизинчи кун деганда бош бармоқларимни оғриқсиз қимирлатадиган бўлдим. Бўйним ва қўлимнинг орқа томонидаги тугунчалар кичраяётгандай туюлди. Мен соғайишга узил-кесил ишондим. Энди ликда ҳаракат қилишим ҳам мумкин эди...

Агар шунчалик тез соғайдим десам, хато қиламан. Кўп ойлар юқори полкалардан китоб олиш менинг куч-қувватим йўқ эди. Рояль ёнига ўтирсам, бармоқларим букилмасди. Шунга қарамай, мен хизматга қайтдим. Бу эса мўъжизанинг ўзгинаси эди.

Бутунлай соғайдимми? Йилдан-йилга бўғинларим ҳаракати яхшилана борди. Елка ва тиззаларимдан бошқа жойда оғриқ сезмасдим.

Ўз тажрибамдан қандай хулоса чиқариш мумкин? Кнши иродаси назарий бир гап эмас, балки физиологик омилдир. Иккинчидан, менинг ишим ўнгилдан келди: врачим бемор организми ресурсларини ҳар қанақасига активлаштириш ва ҳаётга ишончини ошириш зарурлигини тушунадиган одам эди. У даволаш санъати имкониятлари нақадар кенглигини яхши тушунарди.

Мендан мутахассислар касалимни ривожланиб борувчи ва тузалмас деганларида, қандай аҳволга тушганимни тез-тез сўрашади. Жавоби оддий. Уларнинг гапига ишонмадим ва ҳалокатга олиб борувчи қўрқув қопқонига тушиб қолмадим.

Ориф ФАРМОНОВ
таржимаси.

Сўнмас у кунлар шуҳрати

ҚАЛБ ТУҒЁНИ

Тожихон ая лаънати уруш туфайли ўн гулидан бир гули очилмай бева қолди. Беш ёшли Иброҳимжон, уч ёшли Комилжон ва бир ёшли Исмоилжонларни ҳам она, ҳам ота бўлиб вояга етказди. Севгисига содиқ қолган Тожихон ая ҳамон қалбида ўз ёрн номини эъзозлаб келмоқда.

Мен онахон билан тез-тез учрашиб тураман. Яқинда онахон билан кўришганимизда қалб туғёни кўтарилди. Ички ўкинч билан ёстиқдошига мурожаат қилди. Мен унинг дилидаги гапларни қоғозга туширдим.

«Совуқ уруш орзуларимизни поймол қилди. Сиз ҳам кўплар қатори жангга отландингиз». Душманни инида яксон қил, ғалаба билан омон қайт, дея оқ йўл тилашди қариялар. Фронтдан тез-тез мактублар ёзиб турдингиз. «Болаларни эҳтиёт қил», деб ёзардингиз. Илиқ сўзларингиз юрагимга мадор, белимга қувват бўлди. Ғалаба яқинлашганда ёзган хатингизни ҳозир ҳам бисотимдаги энг қимматли бойлик сифатида сақламоқдаман. Яна мактуб келди. Йўқ! У сиздан эмас, командирдан келган «қора хат» эди.

Мутлақо ишонмадим. Йиғламадим ҳам, аза ҳам очмадим. Ҳар куни сизни тушларимда кўрдим. Ростмана ўзингиз. Жангчи кийимингизга орденларингиз ярашиб турарди.

Кунлар ойларни, ойлар йилларни қувиб ўтди. Эшик очилса кўчага югурдим. Фронтдан қайтиб келган дўстларингиздан суриштирдим. Сизни кўришганини айтишди. Командир эди дейишди. Бу гаплар кўнглимга тасалли берди.

Ҳаёт минг синовни бошимга солди. Аҳдимда содиқ қолдим. Бошқа рўзғор қилмай, болаларни катта қилдим. Ўзим емай болаларга едирдим. Буларнинг ҳаммаси сизга бўлган муҳаббатим туфайли эди...

Дориломон кунлар келди. Ҳамма нарса тўкин-сочин. Катта фарзандимиз Иброҳимжон эл хизматида — сартарош. Комилжон ва Исмоилжон педагог. Уч паҳлавон. Келинларимни айтмайсизми? Учаласи ҳам пахтакор. Невараларимизнинг ҳам қўлидан иш келиб қолди. Бир эмас, иккита енгил машинамиз бор. Фарзанд-невараларнинг ҳаммаси тўпланса борми, тўй бўлиб кетади. Улар сиз ҳақингизда сўрашади. Ҳаяжон ва ҳижрондан кўзимда ёш қалқийди. «Бобонгиз шу бахтли кунимиз учун жонини фидо қилган», деймаи.

Кўришмаганимизга мана 45 йилдан ошди. Ҳамон ўша кун кўз ўнгимда. Катта фарзандимиз 20 ёшдан ошди. Ўзи ҳам бобо бўлди. Аммо у ҳам сизни ҳамон кутади.

Қирқ беш йиллик айрилиқ сочларимни қордек оқартирди. Юз-кўлларимни ажин босди. Кўзларим нурсизланди. Ҳамон жангчи гимнастёркасидаги суратингизга боқаман. Юрагим уриб турар экан мен билан биргасиз. Суратингиз уйимиз, номингиз дилимизнинг тўрида.

Доим сизни эслар эканман, сизга ва сизга ўхшаган мингларнинг ёстиғини қуритган уруш ва унинг тарафдорларига лаънатлар айтаман.

Лаънат сенга, уруш!»

А. МАДРАҲИМОВ,
Фарғона область, Ёзёвон район радиосининг редактори.

ЗАВҚЛИ САЁҲАТ

Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси ҳамшаҳарларимизнинг шанба ва якшанба дам олиш кунларини мазмунли ўтказишлари учун жуда кўп маршрутлар ташкил этган.

Ўтган ҳафта уч кунлик сафарга чиққан коллективлар орасида «Малика» бирлашмаси, 159-қурилиш трести, «Миконд» заводи, 1-пойабзал фабрикаси, «Ташавтоматика» заводи, Октябрь райони маориф ходимлари, республика кўрлар жамиятининг маданият саройи ишчи ва хизматчилари бор. Улар Самарқанд, Талас, Жамбул, Наманган, Ҳамзаобод, Уш сингари шаҳарларда бўладилар. Тошкент давлат университети хизматчилари Самарқанд — Бухоро маршрути бўйлаб сафар қилдилар.

Шаҳримиздаги жуда кўп корхоналарнинг коллективлари шанба ва якшанба кунларини Бўстонлиқ районининг тоғ бағрида жойлашган Оқтош, Чорвоқ денгизи, Тошкент денгизи каби оромгоҳларда ўтказадилар.

ЖИНОЯТ СОДИР БЎЛДИ

ГУНОҲКОРНИНГ ЎЗИ КЕЛДИ

⊙ 23 июнь кундузи Собир Раҳимов районидаги Қорақамиш 2/5 массивида жойлашган 4-«А» уйда ёнғин бўлганлиги ҳақида хабар олинди. Аланга Холматовларга тегишли бўлган барча буюмларни ёндириб, зарар етказган. Ёнаётган хонадан боши қаттиқ куйган ва жароҳатланган Н. Холматов олиб чиқилди. У 1967 йилда туғилган, «Миконд» заводининг ишчиси. Зудлик билан ТошМИга келтирилди, лекин ҳушига келмасдан ҳалок бўлди.

Соат 18.00 да Собир Раҳимов район ички ишлар бўлимига «С» исмли гражданин кириб келди. У жанжаллашиб қолганлиги учун Холматовнинг бошига болта билан урганлиги, кейин аччиқ устида квартирага бензин сепиб, ўт қўйиб юборганлигини айтди. Тергов давом этмоқда.

ҚИДИРУВ ТЎХТАТИЛДИ, ЖИНОЯТЧИ АНИҚЛАНДИ

⊙ 16 июнь куни Ҳамза районидаги 4-турар жой шаҳарчасида жойлашган 329-болалар боғчаси территориясидан етарли назорат ўрнатилмаганлиги учун номаълум аёл 6 ёшли Акмал Маҳмудовни олиб кетган эди.

Қидирув давомида, яъни 23 июнь куни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси ва Ҳамза район ички ишлар бўлимининг ходимлари Б. С. Тўрабеков, И. Тошпўлатов, Н. Н. Ковинев томонидан Қўйлиқ бозори территориясида турар жойи ва қаерда ишлаши номаълум бўлган Ш. Н. Шамсиева қўлга олинди. У фирибгарлиги учун қидирилаётган эди. Акмал ҳам унинг ёнида эди.

Боланинг саломатлиги яхши, у ота-онасига қайтариб берилди.

ҚЎЛГА ТУШИРИЛДИ

⊙ 24 июнь кундузи Тошкент политехника институти этнография кафедрасидан Д. Д. Маҳаматованинг пул солинган ҳамёнини ўғирлаган жиноятчи қўлга туширилди. Маълум бўлишича, у 23 июнь кечки пайт 87-автобуснинг салонида бораётган Д. А. Александренконинг 300 сўм пулини ҳам «2-Тансиқбоев массиви» бекатида ўғирлаган экан. Тергов давом этмоқда.

ҚАЛЛОБЛИК

⊙ 22 июнь кечки пайт Ленин районидаги В. М. Коробейников ва Ф. Х. Губаевлар истиқомат қилаётган Т. Шевченко кўчасидаги уй яқинида «М—2140» автомашинаси салонида номаълум шахс 2000 сўмлик чет давлат чекини 3000 сўмга алмаштириб кўздан ғойиб бўлганлиги ҳақида хабар олинди.

Жабрланувчилар ҳисоб-китоб қилаётганларида ўзларига чек эмас фойдаланилган пул-буюм лотереяси бериб кетилганлигини англашган.

Белгилари: 38—40 ёшларда, миллати қозоқ бўлса керак, ўрта бўй, қора соч, пастки икки тиши шикастланган, ўнг тюмонидаги бир тепа тиши сариқ металлдан. Ўнг қўлига сариқ соатбоғ, чап қўлида қора пластмасса корпусли «Луч» маркали соат тақилган.

БОСҚИНЧИЛИК ҚИЛГАНЛИГИ УЧУН ҚИДИРИЛМОҚДА

⊙ Фарҳод Аҳмаджонов, 1950 йилда Чимкент областида туғилган, миллати ўзбек, «Озод» кўчасидаги 21-уйда истиқомат қиларди.

Белгилари: ўртабўй, миқти, кенг елкали, юзлари чўзинчоқ, кўзлари кичкина, қорасоч, сочини орқага тараб юради, сариқ металлдан тиш қўйган.

ДАРАКСИЗ ЙЎҚОЛГАНЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА

⊙ Владимир Павлович Суров, 1940 йилда туғилган, Жалолобод областидан, Фаробий кўчасида яшайди, 1987 йил 10 июнда кечки пайт уйидан чиқиб қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи ўртадан юқори, юзи чўзинчоқ, малла соч, дўнг пешона, кўзи оч кўк, пастки лаби бироз осилиб туради, қошларининг ўртасида тиртиғи бор, дудуқланиб гапиради, «Р» ҳарфини талаффуз қилолмайди. Чет элда тайёрланган кўк рангли ип-газлама кўйлак, кул ранг шим, Литва ССРда тайёрланган 42-размерли жигарранг туфли кийган.

⊙ Виталий Васильевич Канишев, 1976 йилда Тошкентда туғилган, Собир Раҳимов районидаги Шумилов станциясида жойлашган 21-уйининг 58-квартирасида яшайди. 16-мактаб ўқувчиси, 1987 йил 28 май куни уйдан чиқиб кетган ва қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 135—140 сантиметр, ўрта қоматли, юзи чўзинчоқ, малла соч, қора кўз, бодом қовоқ, қошн ва киприги оқиш, паст бурунли, чап қўлининг билаги куйган, оч-сариқ футболка, жинси материалидан тикилган ҳаво ранг шорти, жигарранг кроссовка кийган.

⊙ Гулнора Раҳматуллаевна Худойназарова, 1971 йилда туғилган, Ўқитувчи кўчасидаги 82-уйда яшайди. 1987 йил 28 март куни уйдан чиқиб кетган ва қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи ўртадан пастроқ, қора соч, калта қилиб қирқилган, чап ёногида ва жағида холи бор. Қизил духоба юбка ва оч яшил ранг жемпер, қора туфли кийган.

Ўзингиз учратган тартибсизликлар, тартиббузарликлар, уларга сабаб бўлган одамлар ҳақидаги маълумотларни 33-71-47, 56-99-10 телефонлар орқали хабар қилишингизни сўраймиз.

ШУ ҲАФТАНИНГ ПРЕМЬЕРАЛАРИ

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Д. Н. Мамин-Сибиряк номидаги Нижнетагил давлат драма театрининг коллективи Тошкентга келди. Меҳмонларимиз оперетта театри биносида 30 июндан 31 июлгача бир қатор спектаклларни намойиш этишади.

Санъаткорлар Гастроль репертуаридаги «Ёшлигимиз қушлари», «Ванда Джун, туғилган кунинг муборак!», «Редькиннинг самарқанди», «Пифагор», «Нурли қалблар», «Мовий осмон», «Дон Жуан» «Иван Царевич» сингари саҳна асарларини намойиш этишади.

Театр коллективи пойтахтимизнинг турли саноат корхоналарида ишчи ва хизматчилар билан учрашади, ҳамкасблари билан ижодий давра суҳбатларини қуради.

ОРОМГОҲДА САЙЛ

30 июнь соат 15 да Ленин комсомоли номли марказий маданият ва истироҳат боғида Октябрнинг 70 йиллик тўйига бағишлаб катта оммавий сайл ўтказилади. Оромгоҳ агитация-пропаганда бўлимининг бошлиғи Акбар Шокировнинг маълум қилишича, бу сайлга Андижон областидан қатор санъаткорлар таклиф этилган. Дам олувчилар бу ерда республикада хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳамроқулов ижросида ёқимли қўшиқларни тинглайдилар. Бундан ташқари хушовоз хонандалар Санобар Раҳмонова, Илҳомжон Жўраев, хофиз Одилжон Юсупов, Ғуломжон Рўзибоев бошчилигидаги аскиячилар дам олувчиларга завқ бахш этишади.

Сайлда Юнусали Ғозиев иштироки ва раҳбарлигидаги «Андижон самоси» деб аталувчи дорбозлар группаси катта ўйинларини намойиш этади.

ПИРИ-БАДАВЛАТЛАР

Акмал Икромов районидаги Бешқайрағоч маҳалласида пири-бадавлат хонадонлар бор. Абдулла Қаххор номидаги маданият уйи ана шу маҳаллада 4 июль куни оқшом чоғида ўтказиладиган «Янги урф-одатлар — ҳаётимиз маъмуни» катта маданий тадбири чинакам тўйга айланиб кетади. Бу ерда Суннат ота ва Нозимахон ая Маҳкамовлар тотув турмушига 50 йил тўлиши нишонланади. Уларнинг ёнидан ана шундай олтин тўй эгалари Қодир ота ва Хожиниса ая Абдураҳимовлар ўрин олишади. Бу ерга йиғилган меҳмонлар яна бир ҳурматли кишилар — Бахтиёр ва Мукаррамхон опа Абдураҳимовларнинг кумуш тўйларини муборакбод этишади. Хуллас шу кун Бешқайрағоч маҳалласи шаҳримизнинг катта тўйхонасига айланади.

Маданият уйининг ходимлари, бадиий ҳаваскорлик коллективлари тўй эгаларини табриклашади, ўйин ва кулги, қўшиқ барралла янграйди.

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕДА

«Экран» ижодий бирлашмасида яратилган янги ҳужжатли фильм «Барҳаёт Ҳиндистон» деб аталади. Сценарий муаллифи Б. Калягин, режиссёр И. Беляев, оператор Д. Серебряков. **СССР телевидение ва радио эшиттиришлари давлат комитетининг снёсий шарҳловчиси Борис Калягин бу ҳақда шундай дейди:**

— Мамлакатимиздаги истаган кишидан у Ҳиндистонга ва унинг халқига қандай муносабатда эканлигини сўраб кўринг. Жавобнинг мазмуни битта бўлади — хайрихоҳликдир. Ҳиндистонликлар ҳам бизга нисбатан ана шундай муносабатдалар. Биз ана шу фильмни суратга олаётганда бунга яққол ишондик. Ҳинд жамоатчилигининг вакиллари билан бўлган суҳбатларда мамлакатнинг бугунги ҳаёти ёритилади. Фильмда машҳур Раж Капур, рассом Рерих ва буюк раққосаларнинг суҳбатлари ҳам берилган. Фильм 2 июль куни биринчи программа орқали соат 19 дан 30 минут ўтганда намойиш этилади.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИДА

Сатира ва юмор ишқибозлари 4 июль шанба куни соат 19 дан 45 минут ўтганда телевизион миниатюралар театрининг янги асарини кўрадилар. Унда Ҳамза номидаги Узбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Ўткир Ҳошимовнинг «Кўнгилнинг кўчаси» миниатюра асарлари намойиш этилади. **Ўткир Ҳошимов янги асари премьераси муносабати билан бундай дейди:**

— Ҳозирги пайтда бутун мамлакатимизда қайта қуриш ва жадаллаштириш, ошкоралик шахдам одимлар билан бораётган экан, биз адиблар ҳаётимиздаги барча иллатларни кескин фош этишимиз керак. Ана шу мақсад нуқтаи назаридан қараганда, «Кўнгилнинг кўчаси» миниатюралар туркумида ҳаётимиздаги ярамас иллатлар, оилавий муаммолар, калондимоғлик, лаганбардорлик, сансалорлик сингари қусурлар ҳажв этилади. Ўйлайманки, айни ҳаётдан олинган бу лавҳалар Узбекистон телевидениеси томошабинларига манзур бўлади.

А. ПЎЛАТОВ.

Ҳаётимни радиосиз тасаввур қила олмайман, чунки эртадан кечгача тинглаганим тинглаган. Кунларнинг бирида радиоприёмникимдан қарс-курс деган товуш эшитилди-да тинчиб қолди. Тузатаман деб нималар қилмадим, эплай олмадим! Гапиртира олмадим!

Эски ошнам Ивицига телефон қилдим:

— Бирорта таниш устанг йўқми, радиоприёмникимни бузиб қолди, яхшилаб тузатиб берса!

У таажжубланиб:

— Устанинг сенга нима кераги бор! Бу проблема эмас. Узим тузатиб бераман, — деди.

Икки-уч кундан кейин дўстим асбоб-ускуналарини кўтариб кириб келди-да, радиоприёмникимни титкилай бошлади, бироз вақт ўтмасдан ундан ажойиб музика садоси янгради.

Албатта, янги кўнгилсизлик содир бўлмаганда эди, мен бу воқеани аллақачон унутгандим. Ошхонадаги крандан сув тошиб кетди. Квартирам совуқ сувга тўлишини истамасдим, сузишни ҳам билмайман... Дарҳол дўстим Ивицига яна телефон қилиб, ундан бирор таниш сантехнигинг йўқми, деб қизиқдим. Дўстим жавоб қилиб:

— Омадинг бор дўстим, хозир етиб бораман, — деди.

Айтганидек бир неча минутдан кейин етиб келди. Енгларини шимариб кранга яқинлашди-да унинг бир ерини бураган ҳам эди, оқаётган сув дарҳол тўхтади.

Соатим бузилиб қолганда, иккиланмасдан дўстимга мурожаат қилдим. Яна Ивицн ёрдам қилди. Телефон қилганимдан кейин икки кун ўтгач келдинда, бироз хижолат тортиб:

— Кечирасан дўстим, олдинроқ кела олмадим, бир биродаримнинг машинкаси ремонти билан банд эдим, қолаверса, бошқа бир дўстимнинг хотинини молиявий ҳисоботини якуннни тугатмоқда эдим, — деди.

Ивицн соатимни тезда тузатиб бериб, асбоб-ускуналарини портфелига жойлаштираётиб, менинг ёзув столимга кўзи тушди.

Армонко ГИРГИЧ

УСТА

(Ҳажвия)

— Нима ёзаяпсан! — сўраб қолди.

— Шунчаки, ҳажвия. Афсус чиқмаяпти, — маъюс жавоб қилдим.

Ивицн тошиқиб:

— Бу ҳақда нега менга ҳеч нарса гапирмадинг! Кеча телефон қилиб айтмайсанми, мен дарров ёзиб келардим! — деди.

Мен таажжубланиб:

— Қўлингдан келадими! — сўрадим.

— Келганда ҳам қандоқ! такаббурлик билан Ивицн жавоб қилди. — Бир ёзувчига ҳатто китоб ҳам ёзиб бердим..

Китобни ёзувчи тақризга олиб борганда, тақризчи мендан китобга тақриз ёзиб беришни илтимос қилди, унга бунн ҳам ёзиб бердим.

— Ажабо! Ҳамма нарса қўлингдан келадими!

— Албатта! Мен яна ғишт терувчилик, дурадгорлик, қассоблик, музика асбобларн созловчиси, қоровуллик, экспедиторлик, тайёрловчилик, ўқитувчилик, олимлик ҳам қиламан...

— Етарлик!—Уни тўхтатдим.

— Ҳайрон қоламан! Ҳамма нарсага қодирсан! Универсалсанку!..

Тўсатдан бир нарса эсимга тушди. У ҳақда ҳам Ивицндан ёрдам сўрадим.

— Ивицн, илтимос: уйимга гул қоғозларнни ёпиштириб бераолмайсанми! — қизиқиб сўрадим. — Албатта, агар вақтинг бўлса!

— Нима деяпсан! Қанақанги гул қоғоз! — Ивицн ташвишланиб сўради. — Афсус дўстим, кечирасан, бу иш қўлимдан келмайди!

— Нима!! Шунча ҳунар устаси бўла туриб, гул қоғоз ёпиштиришни билмайсанми! — деб ҳайратланиб сўрадим.

— Дўстим, хижолат бўлма, биласанку, гул қоғоз ёпиштириш бу менинг асли мутахассислигим-ку!..

Русчадан
Д. МАҲМУДОВ
таржимаси.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Кино

29 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШАҲРИЗОДНИНГ ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ»— **Санъат саройи** (18.30, 20.45), **Чайка** (18.30, 21.00).

«ҚИЗИЛ БЕКА» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

«ЎТМИШНИНГ АҲАМИЯТИ ЙЎҚ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, охирги сеанс 21.30 да).

«ЗОРРО» — **Восток** (18.30, 21.00).

«УЧ БЎЙДОҚ ВА ЧАҚАЛОҚ» — **Қозоғистон** (ҳар соатда), **Москва кинотеатри видеосалонида** (18, 20.00).

«ХУРСАНДМИЗ, БАХТЛИМИЗ, ИСТЕЪДОДЛИМИЗ»—**К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» — **К. Ёрматов номли** (жуфт соатларда).

«КУРЬЕР»— **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, **Дружба** (17, 19, 21.00).

«ТАРҚАЛАЁТГАН БУЛУТЛАР» — **Дружба** (20.30).

«МАКТАБ ВАЛЬСИ»— **Искра** (14,16, 18, 20.00).

30 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШАҲРИЗОДНИНГ ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ»— **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«ҚИЗИЛ БЕКА» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«ЎТМИШНИНГ АҲАМИЯТИ ЙЎҚ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, охирги сеанс 21.30 да).

«ЗОРРО»— **Восток** (11, 13.30, 18.30, 21.00).

«УЧ БЎЙДОҚ ВА ЧАҚАЛОҚ» — **Қозоғистон** (ҳар соатда), **Москва кинотеатри видеосалонида** (16, 18, 20.00).

«ХУРСАНДМИЗ, БАХТЛИМИЗ, ИСТЕЪДОДЛИМИЗ» — **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» —**К. Ёрматов номли** (жуфт соатларда).

«КУРЬЕР»— **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, **Дружба** (11, 13, 15.30, 17; 19, 21.00).

«ТАРҚАЛАЁТГАН БУЛУТЛАР — **Дружба** (12, 15, 18, 20.30).

«ЁШЛАРГА ОСОНМИ?» — **Искра** (12.00).

«МАКТАБ ВАЛЬСИ»— **Искра** (14, 16, 18, 20.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—**«Варшава» цирки артистларининг гастролларн** (20.30).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитети
Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармасининг
Тошкент метрополитени базасидаги
34-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАЪМУРИЙ, САВДО ВА БОШҚА ОБЪЕКТЛАР ЭЛЕКТРОН СИСТЕМАЛАРИ МОНТАЖИ, УЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА РЕМОНТИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТР МОНТЁР.

Ўқишга Совет Армияси сафларида хизмат бурчини ўтаб қайтган ёшлар қабул қилинади;

инженерлик-техника қурилмалари ва эскалаторларнинг слесарь-электриги, лифтлар электр-механиги (10-синфни битирган ёшлар қабул қилинади, ўқиш муддати — 1 йил);

ҳаракатдаги состав ремонти бўйича слесарь, станция бўйича навбатчи, сигнализация, блокировка, алоқа электр монтёри; электр пайвандчилар (8 синфни битирган ёшлар қабул қилинади, ўқиш муддати — 3 йил).

СПТУ программаси билан шуғулланувчи ва 3 йил таълим олувчи ўқувчилар бепул кийим-бош ва икки маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

Ҳамма ўқувчилар корхонадаги ишлаб чиқариш таълими ва практикаси даврида ишлаб топилган меҳнат ҳақининг 50 процентини оладилар.

Саккизинчи синфни битириб ўқишга кирган ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия ва корхонадан 1-разрядли ишчи тариф ставкаси (энг кам миқдордаги маош даражасигача) қўшимча ҳақ оладилар. Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини тамомлаганлар темир йўл транспорти ходимларига берилган барча имтиёзлардан, шу жумладан, йилда бир марта Совет Иттифоқининг исталган томонига бепул бориб-келиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, 2-Охунбобоев кўчаси, 68-уй (4, 7, 24, 11, 28, 9-трамвайлар; 13, 16-троллейбуслар; 54, 57, 58-автобусларнинг «Киров боғи» бекати . Телефон 55-63-20).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитети
Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармасининг
22-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1987-1988 ўқув йилига
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

10-синф маълумоти билан — ЭРКАКЛАР УСТКИ КИЙИМИНИ ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА, АЁЛЛАР ЕНГИЛ КЎЙЛАГИНИ ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА.
Ўқиш муддати — 6 ой;

8-синф маълумоти билан —ЭРКАКЛАР, АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР КИЙИМЛАРИНИ ТИКУВЧИ (бичиш ҳам қўлидан келадиган).
Ўқиш муддати — 3 йил;

ЭРКАКЛАР, АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР КИЙИМИНИ ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА.

Ўқиш муддати — 2 йил.
Ўқишга Тошкент шаҳри ва Тошкент областининг шаҳарга яқин районларидаги мактабларнинг 8-10 синфларини битирган қизлар таклиф этилади.

Билим юртини 2-3 йиллик таълим программаси бўйича тамомлаганларга ихтисосни эгаллаганлиги ва ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар — формали кийим-бош ва икки маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар; 10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар — 70 сўм стипендия сладилар.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигни номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва республика Моделлар уйида ўтадиган ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртидаги ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан, ота-онасининг ишхонасидан справка, медицина справкаси (286-форма), мактабдан характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 60-уй — ЎзССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси территориясида (16, 22, 23, 25, 28, 29-трамвайлар; 2, 26, 10, 17, 56, 89, 72, 60, 156, 165, 21-автобусларнинг «Олой бозори» бекати).

22-СПТУ ФИЛИАЛИ—Мавзу кўчаси, 136-уй—ЎзССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиали территориясида (27-трамвай; 10, 88, 43, 70, 102-автобусларнинг «Шимолий Олмазор» бекати). Телефонлар: 35-62-41, 48-62-06, ички телефонлар — 2-62, 1-64.

30 ИЮНДА
ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
(Комсомол кўлида)
БОҒ САЙЛИГА МАРҲАБО!
КАТТА ОММАВИЙ САЙЛ ЎТКАЗИЛАДИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
Республикада хизмат кўрсатган артист
Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВ
Хушовоз хонандалар: **Санобар Раҳмонова, Илҳомжон Жўраев**, катта ашула ижрочиси **Одилжон Юсупов, Ғудомжон Рўзибоев** бошчилигидаги аскиячилар группаси.
Бадиий сўз устаси **Машрабжон Назаров, Юнусали Ғозиев** бошчилигидаги «Андижон самоси» дорбозлар группаси иштирокида
КАТТА ДОР ЎЙИНЛАРИ
Сайл соат 15.00 да бошланади.

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат концерт-филармонияси бирлашмаси В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА **30 июнь соат 19.30 да** ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ **Қизлархон Дўстмуҳамедова**, ЎЗБЕКИСТОН ССР ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ **Ғулшод Отабоева** ВАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР БУТУНИТТИФОҚ КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ШОДЛИК» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ
КОНЦЕРТИ ҚАТНАШАДИЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ **Қизлархон Дўстмуҳамедова**, ЎЗБЕКИСТОН ССР-ДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ; ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ХАЛҚ АРТИСТИ **Ғулшод Отабоева**;
СОЛИСТЛАР:
Нуриддин Ҳайдаров, Бахтиёр Холхўжаев, Лола Оқилова.
Программани **Ўткир Сиддиқов** бошқариб боради.
Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассасида соат 14 дан бошлаб сотилмоқда.

Ҳурматли тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари
1 НОЯБРГА ҚАДАР
ҲАР ЯКШАНБА КУНИ
СОАТ 10 00 ДА
ТОШКЕНТДАГИ РЕСПУБЛИКА ОТЧОПАРИ
СИЗЛАРНИ

ОТ ПОЙГАСИ МУСОБАҚАЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

БУЮМЛАР ЛОТЕРЕЯСИ ЎЙИНАЛАДИ
Ҳар галги тиражда иккита «ЖИГУЛИ» автомобили, мотоциклар, велосипедлар, гиламлар, «РИГА» мопедлари ва ҳоказолар ўйналади.
ЛОТЕРЕЯ ТИРАЖИ СОАТ 11.30 ДА ЎЙИНАЛАДИ.
Бир дона буюм лотереяси билетининг баҳоси — 1 сўм.
Отчопарга кириш билети — 1 сўм.
Кириш ва лотерея билетларини ОТЧОПАР ва «ПАХТАКОР» стадиони кассаларидан ҳар куни соат 11 дан 20.00 гача бемалол сотиб олиш мумкин.
Адрес: Тошкент шаҳри, 156-алоқа бўлими, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 156-уй.
Телефонлар: 76-43-60, 76-76-28 — буюм лотереяси ўтказиш юзасидан маълумотлар олиш учун; от спорти лотереясининг ўтказилишига доир справкалар учун — 76-75-47.

ЗАМОНАВИЙ ВА ХУШБИЧИМ

РЕСПУБЛИКА КИЙИМ МОДЕЛЛАРИ УЙИ
ТАКЛИФ ЭТАЁТГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР КУЙЛАКЛАРИ ВА КОСТЮМЛАР ЗАМОНАВИЙ МОДА ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ.

Улар модага мос бичилганлиги, безак элементлари — кўкрак бурмаси, елпиғичсимон қатлари, ён чокларининг ҳошиялари, осма ёки бўрттирма елкабоғлари билан ажралиб туради.

Аёлларнинг 88—100-размерли, 47—66 сўмлик шойи кўйлаклари ҳамда 88—96-размерли, 85 ва 70 сўмлик жун газлама ва «ДИАМАНТ» газламасидан тикилган костюмларини

«МОДА», «ПЕРСПЕКТИВА» **магазинларидан, 1-фирма магазинидан, ЦУМдан, Республика кийим моделлари уйи қошидаги магазиндан харид қилишингиз мумкин.**

РЕСПУБЛИКА КИЙИМ МОДЕЛЛАРИ УЙИ (телефон 56-16-23).



Ё З М А В С У М И У Ч У Н

ЕНГИЛ, ҚУЛАЙ ВА ЧИРОЙЛИ



ПОЙАБЗАЛЛАРНИ СИЗ «ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМАЛИ САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ

4-МАГАЗИНИДАН

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

Размерлари — 36 дан 39 гача.
Магазин адреси: Октябрь 4, 21-троллейбусларда бозори, Махсидўзлик кўчаси, 156-уй.
Иш вақти соат 9 дан 19.00 гача. Танаффус 14 дан 15.00 гача. Дам олиш куни — душанба.
Телефон — 44-38-45.
«ЎЗБЕКИСТОН» фирмали савдо бирлашмаси.

«ЮБИЛЕЙ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

СОТУВЧИ КАСБИ ҲАММА ЗАМОНЛАРДА ФАХРЛИ ВА ОДАМЛАР УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН.

Ҳозирги кунда ҳам сотувчи савдо эстетикаси, этикаси, экономика, товаршунослик соҳасидаги билимлар эгаси бўлиши, харидор психологиясини билиши, тез-тез хизмат кўрсатиб, яхши маслаҳат бера олиши керак.

Ҳисобламчиқилган: сотувчига бир кунда камида 150 харидорга хизмат кўрсатиб, 200 дан зиёд маслаҳат беришга тўғри келади.

Барча саволларга жавоб бериб улгуриш, эътиборсизлик ёки эҳтиётсизлик билан бирор кимсани хафа қилиб қўймаслик, зарур буюмни танлашда кўмаклашиш — ўзига хос маҳорат!

САВДО ҲАМ ҲАР ҚАНДАЙ ЖИДДИЙ СОҲА КАБИ ИСТЕЪДОДНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ.

АГАР СОТУВЧИ БЎЛИШГА АҲД ҚИЛГАН БЎЛСАНГИЗ, СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИНИНГ «ЮБИЛЕЙ» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ.

МАКТАБ-МАГАЗИНГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН, 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 16 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади. Ўқувчиларга ойига 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади.

Битирганларга озиқ-овқат товарлари кичик сотувчиси касб малакаси берилади. Хоҳловчилар Тошкент совет савдоси техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимида ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Ўқишга кириш учун зарур бўладиган ҳужжатлар: маълумоти ҳақидаги ҳужжат, паспорт, 3 дона фотосурат (3х4 см.), характеристика.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНИДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Сергели райони, Спутник массиви, 7-квартал, 13-уй (58-автобусда «13-шаҳар касалхонаси» бекатигача борилади). Телефон 58-99-74 — райпишчеторгнинг кадрлар бўлими.

СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

МУЗИКА ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!
«ТАШКУЛЬТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ

МУЗИКА ИХЛОСМАНДЛАРИГА ТАВСИЯ ЭТАДИ:

«АЛЬПИНИСТ-320» ҚЎЛ РАДИОПРИЕМНИГИ — баҳоси — 40 сўм;

«РОМАНТИКА-201-2 СТЕРЕО»— стереофоник қурилмаси — баҳоси 478 сўм;


«ВЕСНА-205-1» КАССЕТАЛИ ҚЎЛ МАГНИТОФОНИ (монофоник) **— баҳоси 215 сўм;**

«БЛЮЗ-301» ПРИЕМНИГИ — баҳоси — 95 сўм;

«ПАРУС-201-СТЕРЕО» КАССЕТАЛИ МАГНИТОФОНИ — баҳоси 260 сўм;

«РОССИЯ-321-СТЕРЕО» ЭЛЕКТРОФОНИ— баҳоси — 80 сўм;

«ВОЛНА-307-СТЕРЕО» ЭЛЕКТРОФОНИ — баҳоси 80 сўм.



«ТАШКУЛЬТТОРГ» (телефон 77-23-12).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

Тез кунда

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
Ўлмас УМАРБЕКОВ.

«ТУҲМАТ»

(икки пардали драма)
Саҳналаштирувчи режиссёр—**Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Латиф ФАЙЗИЕВ.**

ДИҚҚАТ!

ОМОНАТ КАССАЛАРИ

ГРАЖДАНЛАР ВА КОЛЛЕКТИВЛАРДАН
кўнгилли равишда Совет Тинчлик Маданият фондларига, давлат, кооператив ва жамоат ташкилотларига совға тариқасида Чернобиль АЭСидаги авария оқибатларини тугатиш ёрдам фондига, «Инсониятнинг яшаб қолиши ва тараққиёти» Халқаро фондига ўтказиладиган

МАБЛАҒЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ёрдам ҳамма омонат кассалари томонидан ҳам нақд пул, ҳам Давлат заёмларининг облигацнялари тариқасида қабул қилинади.

СССР Давлат меҳнат омонат кассаларининг Тошкент шаҳар бошқармаси.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районидаги 234-ўрта мактаб томонидан **Абдуллаев Жорулла** номига берилган Г-996242 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги Н. К. Крупская номли мактабгача тарбия педагогика билим юрти томонидан **Тохтаханова Мактура** номига берилган Ш-634372 номерли йўқолган ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Тошкент оқшоми» газета редакцияси коллективи редакция ходими М. Иногомовага отаси
Қобил ИНОҒОМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р—14012. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.00 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. 2159. Тираж — 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.